

КЛАССИК АДАБИЁТ ЖАНРЛАРИ



Тошкент  
Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети  
«Еш гвардия» нашриёти  
1987

Тузувчи ва мақола муаллифи -- Фирдавсий номидаги халқаро мукофот лауреати ШОИСЛОМ ШОМУҲАМЕДОВ.

Эпос: [Тўплам. Катта ёшдаги мактаб болалари учун] / [Тузувчи ва мақола муаллифи Ш. Шомуҳамедов]. — Т. «Ёш гвардия», 1987. — 96 б. — (Классик адабиёт жанрлари).

Ушбу анъанавий тўпламга ўзбек халқ оғзаки ижоди ҳамда ёзма адабиётдан намуна сифатида «Алпомиш», Юсуф Хос Хожибининг «Қутадғу билиг» ва Абдулқосим Фирдавсийнинг «Шоҳнома» дostonидан парчалар киритилди.

Эпос: Сборник.

С  $\frac{4603000000-78}{356(04)-87}$  72-87

© Издательство «Ёш гвардия», 1987 (оформление, составление, вступительная статья)

## ХАЛҚ ДАҲОСИНИНГ УЛУҒ ҚОМУСИ

Урта Осиё халқларининг қадимий ва бой адабий аънавлари борлиги шарқшунос олимлар томонидан исботланган. Булардан бири халқ оғзаки дostonлари, миф ва афсоналари, ҳикоят ва ривоятларидир. Улар икки тилда — туркий ва форсий тилларда раvнақ топган. Урта Осиёнинг туркий халқлари ўз оғзаки ижодлари қатори эрон халқлари аждодларининг бой афсонавий ривоятлари, эпик дostonларидан ҳам баракали фойдаланганлар ва ўз ижодларини қўша борганлар. Улар орасида муштараклик мавжуд бўлган энг салмоқлиси эпосдир.

Бошқа халқлар каби бизнинг халқларимиз ҳам қадимий ва жуда бой эпик меросга, яъни кенг афсонавий ва тарихий воқеаларни қамраб олуvчи, уларни бадий таҳлил этувчи асарларга эга бўлганлар. Улар халқ эпоси деб аталади.

Эпос сўзи юнон тилидан адабиётшунослик термини сифатида қабул этилган бўлиб, сўз, ҳикоят, ривоят маъноларини билдирган. «Эпос деганда дастлаб илоҳий кучлар, қаҳрамонлар, инсон ва уни ўраб олган борлиқ ҳақида объектив баён характерига эга афсона ва ривоятлар тушунилган». (Ўзб. С. Э. 13 т. 251 бет). Улар ибтидоий жамият кишиларининг яшаш учун олиб борган кураши асосида юзага келади ва уларнинг табиат ва жамият ҳодисалари ҳақидаги тушунчаларини, қарашларини ўзида акс эттиради. Шу маънода миф ва афсоналар чуқур ижтимоий мазмунга ва катта социал-маърифий қимматга эга.

К. Маркс юнон санъати ва уни майдонга келтирган замин тўғрисида сўзлаб, мифни юнон санъатининг «аслаҳалар омбори» деб атаган эди. Табиат ҳодисалари ва жамият муносабатлари кишилар шуурида (онгсиз равишда) бадий шаклда — мифик образларда акс этиб қолгани учун у санъат маънабига айланди, санъат ундан сон-саноқсиз образлар, бадий тўқималар олади.

Тарихий ёдгорликлар шуни кўрсатадики, қадимги замонларда Шарқ халқлари ўртасида яратилган миф ва афсоналар ҳам адабиётнинг шундай манбаи бўлиб хизмат қилган ва ўша заминда оғзаки ва сўнграқ ёзма адабиётнинг кўп нодир намуналари майдонга келган.

Эпоснинг шеърий ва насрий шакллари мавжуд. Уларда инсон, табиат, ҳаётнинг йирик мураккаб ҳодисалари тасвирланади.

Ўрта Осиё халқлари яратган эпосларга ҳам монументаллик хосдир. Бу халқ қаҳрамонлик эпослари халқнинг дилидаги эзгу орзуларни — оқилона давлат тузуми, социал ҳақиқат, эрк ва озодлик, мустақиллик ва адолат ғояларини ифода этади.

Эпос термини тор маънода ҳам қўлланилади. У ҳолда халқ қаҳрамонлик дostonлари тушунилади.

Гомернинг «Иллиада» ва «Одессея», ҳиндларнинг «Рамояна» ва «Махабхарата», русларнинг «Игорь жангномаси», герман халқларининг «Небелунглар ҳақида кўшиқлар», французларнинг «Роланд ҳақидаги кўшиқлар», арманларнинг «Сосунли Довуд», қирғизларнинг «Манас», қозоқларнинг «Қизжибек», ўзбекларнинг «Алпомиш», «Гўр ўғли», қорақалпоқларнинг «Қирқ қиз» ва бошқалар асрлар бўйи ўз тароватини йўқотмай яшаб келаётган ва ёзма адабиётга таъсир кўрсатган эпик асарлардир.

Оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида ўзбек халқи яратган қаҳрамонлик эпослари муҳим ўрин тутати. Уларнинг кўпчилиги Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига қарши ватанпарварлик курашини акс эттиради. Тўмарис, Широқ, Зарина, Зариадр, Алпомиш, Гилгемиш, Рустамхон ва бошқа қаҳрамонлар ҳақидаги эпик асарлар шулар жумласидандир. Уларда оташин ватанпарвар ва фидокор, баҳодир халқ қаҳрамонларининг монументал образлари яратилган.

«Алпомиш», «Гўр ўғли» каби қаҳрамонлик дostonлари қаторида «Равшанхон» каби романтик, «Шайбонийхон», «Ҳасан батрак», «Очил дов» каби тарихий дostonлар юзага келди.

Бахшилар анъанавий мавзулардаги дostonларни куйлар эканлар, ўзларига хос услуб қўллаб, замонларига мансуб янгиликлар киритиб куч синашганлар. Бизнинг фольклоримиз тарихида Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Холёр бахши, Исломошоир ва бошқа бахшилар номи бор. Кўп дostonларимиз шулар оғзидан турли вариантларда ёзиб олинган. Масалан, «Алпомиш» дostonининг ўттиздан ортиқ варианти ёзиб олинган.

Халқ оғзаки ижодининг олий маҳсулоти бўлган бу дostonларда шарқона одабийлик, бошқалар бахти учун холис

хизмат қилиш, лозим бўлса бу йўлда фидойилик кўрсатиш, ҳатто азиз жонидан кечиш каби буюк жасорат тараннум этилади. Воқеалар кенг кўламда олиниб, қаҳрамонлар портрети, улар характери бўрттирилиб романтик руҳда куйланади. Уларда тасвирий воситалар турли-туман бўлиб, кучли муболаға, сербўёқ тавсифлар, чуқур мазмунли ташбеҳлар, ноёб мажозлар, қаҳрамонларнинг монолог ва диалоглари, табиат картиналари, гўзал параллелизмлар учрайди.

Совет даврида тарихий шароитнинг ўзгариши, қаҳрамонона совет воқеълиги ва жаҳон адабиёти тажрибаси таъсирида дostonчилик янгиланди ва катта ўзгаришларга учради. Аммо унинг туб асосида ҳаёт воқеаларининг энг ўткир даврларини тасвирлаш, сюжетда кучли драматизм, инсон характери талқинига диққат-эътибор ётади.

Эпосда бутун халқ тарихининг муҳим бир бўлаги айрим қаҳрамонлар тақдири орқали ёки айрим улкан воқеалар орқали тасвирланади, унинг оқибат-аҳамияти рўй-рост гавдланади.

Урта Осиё халқларининг эпик асарлари асосан туркий ва форсий тилларда ривожланган ва бир-бирига фақат таъсир кўрсатибгина қолмай, балки қўшилиб, частишиб кетган дедик. Буни Урта Осиёда доимо бир-бири билан яқин алоқада яшаб ижод этган ўзбеклар ва тожиклар эпоси мисолида яққол кўриш мумкин.

Бу халқларнинг бой оғзаки ижодида романтик дostonлар, эртак ва ҳикоятлар, афсона, ривоят, кўшиқ, тарона, масал, матал, топишмоқ, чистон, халқ драмалари, ҳаёт ҳикматлари қатори ажойиб қаҳрамонлик дostonлари бўлган. Бу дostonларда ёруғлик билан қоронғуликнинг, яхшилик билан ёмонликнинг, дев билан одамнинг доимий кураши нақл этилади. Бу курашда инсон доимо нур томонда, яхшилик тарафида туриб курашади.

Биз қадим даврларда жуда тараққий топган сак-сўғд афсоналарининг қаҳрамони Рустам ҳақидаги, сўғд қаҳрамони Барзу, бохтар қаҳрамони Исфандиёр, сўғд-хоразм афсоналари қаҳрамони Сиёвуш ҳақидаги ривоятларни учратамиз.

Зардўштиликнинг асосий китоби «Авесто»да ҳам диний ақидалардан ташқари бохтарлар ва сўғдларнинг бир қанча ривоят ва афсоналари ўрин олган. Бунда биз кейинчалик улуғ Фирдавсий «Шохнома»сида таърифланган Каёнйлар сулоласи, Жамшид, Заҳҳок, Сиёвуш, Кайхусрав, Афросиёб ва бошқа қаҳрамонлар ҳақида ҳам дастлабки маълумотларни топамиз.

Парфий, сак ва бошқа қабилаларнинг ҳам бой оғзаки адабиёти — ривоят ва ҳикоятлари, кўшиқ ва топишмоқлари,

эпик афсоналари мавжуд. Булардан Гударз, Гив, Бижан, Ма-нижа кабилар ҳам кейинчалик «Шоҳнома» қаҳрамонларига айландилар. Сакларнинг дoston-афсоналарида ҳам биз Сом, Зол, Фаромурз, Рустам образларини учратамиз.

Ўзбек эпоси ҳақида маълумотларни биз Ўрхун-Енисей ёзувлари номи билан машҳур бўлган руна обидаларида (5—6 асрлар), Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғатит-турк», Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билик» (11 аср), Аҳмад Югнакийнинг «Ҳибатул Ҳақойиқ» (12 аср) асарларидан оламиз.

Қадимий юнон, эрон ва Урта Осиё халқлари эпосларидаги воқеа сюжетлари бир-бирига таъсир кўрсатиб, бирдан бирига ўтиб, ривожланган. Улардаги қаҳрамонлар ҳам кўпинча бир манбаъдан келиб чиққан ва эпосдан эпосга кўчиб юрувчи қаҳрамонлардир.

Афросиёб, Жамшид, Сиёвуш, Рустам ва бошқаларни мисолга олиш мумкин. Ўзбек эпоси қаҳрамонларининг кўплари оташпарастликнинг муқаддас китоби «Авесто»да ҳам учрайди. Масалан, Сиёвуш «Авесто»да Сиёваршон, Жамшид эса Йима номи билан аталган. «Авесто»га кирган қадимий афсоналарда Йима жуда бой чорвадор Вивахвантанинг ўғли. У адолатли подшо бўлган ва чорвадорлик билан шуғулланган. Совуқ изғирин ҳам, иссиқ самум ҳам унинг мамлакатидан чекинган, касалликлар ҳам, ўлим ҳам бўлмаган.

У минг йил подшолик қилганидан сўнг қаттиқ совуқ киш бўлган, кетидан қорлар эриб, ҳаммаёқни сув босиб кетган, Йима унга қарши кўрғон қурган. Кўрғонга ҳар бир жондордан киритган. Одамларни шундай қилиб қирилиб кетишдан сақлаб қолган. У ерда кўчалар, уйлар қурган, ариқлар ўтказган. Кейинчалик ўз сўзига ёлғонни кўшгани учун гуноҳкор бўлади ва уни ер ютади.

Фирдавсий «Шоҳнома»сида ҳам 700 йил ҳукмдорлик қилган Жамшид мағрурланиб кетганлиги учун кўшин ва аъёнлар ундан юз ўгирдилар. Сўнг Заҳқондан енгилади ва золим шоҳ уни икки бўлак қилиб, арралатиб ташлайди.

Тўмарис ва Широқ ҳақидаги ривоятлар тарихий воқеалар асосида юзага келган. Бошқа жуда қадимий дoston-ларнинг ҳам тарихий асослари бўлиши мумкин ёки айрим эпизодларда тарихий воқеалар акс этади.

Кўлингиздаги китобда «Алпомиш» дostonидан парча келтирилади.

Бу эпосда ака-ука Бойбўри билан Бойсари орасидаги низо Кўнғирот элини иккига ажратиб юборади. Унинг бир қисми Бойсари бошлиқ қалмоқлар юртига кўчиб ўтади. Оғир курашлар, мураккаб воқеалардан сўнг Кўнғирот эли яна қайта бирилади.

«Алпомиш» достони Ўрта Осиё аҳолисининг чет эл босқинчиларига қарши олиб борган мардона курашининг бадиий ифодасидир.

Достоннинг асосий ғояси — халқнинг эрк ва мустақиллик учун кураши, тинчлик ва адолатни, инсоннинг ҳаётдаги эзгу орзу умидларини қарор топтириш учун курашдан иборат.

Бу дoston қорақалпоқ, қозoқ, татар, бошқирд ва тожиклар орасида ҳам турли вариантларда тарқалган. Улардаги муштараклик Ўрта Осиё халқларининг узоқ ўтмишдан бошлаб дўстлик ва ҳамкорликда яшаганларидан ўз орзу умидлари, озодликлари, ватан мустақиллиги учун чет эл босқинчиларига қарши бирга курашганликларидан далoлат беради.

Туркий халқларнинг қадимий адабий ёдгорлиги «Дада-Қўрқут китоби» 16 асрда оғзаки адабиётдан хатга кўчирилган эди. Бу асарда халқ эпик ижодининг шаклланиб, ривожланиб бораётганини кўриш мумкин. Бу китобда ўғизлар ҳокими Боёндурхон ва унинг баҳодир қаҳрамонлари ҳақида ҳикоя қилинади. Халқ тарихи куйчиси Қўрқут бобо кўрган-билганларини шеърга солиб, кўбиз билан куйлайди. У китобдаги воқеаларнинг ҳам куйчиси, ҳам иштирокчиси, элнинг доно маслаҳатчиси. Олимлар китобдаги «Бамси-байрак» воқеасини «Алпомиш»нинг қадимий манбаи ҳисоблайдилар.

Ўғиз халқининг кўчманчилик ҳаёти ва патриархал муносабатлари лавҳалари, Боёндурхон паҳлавонларининг жасоратлари тасвири, эпик кўлам ва услуб хусусиятлари Алпомишда давом эттирилади ва такомиллаштирилади.

Алпомиш — мардлик ва қаҳрамонликни, халққа муҳаббат ҳамда ватанпарварликни, оила мустаҳкамлиги ва ёр муҳаббатини тараннам этувчи дostonдир.

У минг йиллар илгари Сирдарёнинг қуйи оқими — Қипчоқ даштларида феодал тузуми шакллана бошлаган даврда, ҳали уруғчилик патриархал муносабатлар батамом тугамай сақланиб келаётган даврда майдонга келди.

У туркий қабилалар дostonчилиқ аънавалари заминида яратилди. Унда Дашти қипчоқ қабилаларининг турли жойларга силжиши, кўнғиротларнинг гоҳ бўлиниб, гоҳ кўшилиб, турли туркий халқларнинг пайдо бўлиши воқеалари ўз аксини топган.

«Алпомиш» дostonини олимлар икки қисмга бўладилар.

Биринчи қисмда Алпомишнинг туғилиши, унинг болалиги, паҳлавон бўлиб улғайиши, ёшлиқдаги жасорати, охири ўз элининг ишонган тоғи, биринчи баҳодирни бўлиб етишуви,

Қалмоқ юртида қолган қайлиги — Барчинни қутқариш учун қилган юриши, қалмоқ баҳодирлари билан кураши. Барчинни қутқариб унга уйланиши, кўчиб келган қўнғиротликларни олиб, ўз юртига қайтиши ҳақида сўз юритилади.

Иккинчи бўлимда қайнота ва қайнонасини Тойчахон зулмидан қутқариш учун олиб борган жанглари, қалмоқ юртига иккинчи юриши, соддадил, ҳаммага ишонувчан баҳодир Алпомишнинг ёвуз сеҳргар кампир Сурхайилга алданиб, қалмоқларга асир тушиши ҳамда етти йил зиндонда қолиб кетиши, содиқ оти Бойчибор ёрдамида қутулиб чиқиши, золим хонни ўлдириб, адолатли дўсти Кайқубодни подшо тайинлаб, ўз юртига қайтиши тасвирланади.

Ўз юртига қайтаётган Алпомиш йўлда қариндош-уруғлари билан, чўпонлар, йилқичилар билан учрашади, карвонлар, ундаги сорбонлар, савдогарлар, саёҳатчи мусофирларга дуч келади. Уларнинг сўзларидан ўз она юрти аҳволдан хабар топади. Уруғ-аймоғи, ўз қабиласи, халқининг ҳоли не кечганлигини билиб олади. Алпомиш йўқлигидан фойдаланиб, қабиллага ҳукмдор бўлиб олган рақиби Ултонтоз Алпомишнинг ота-оналари устидан, халқ устидан зулмни кучайтирган, ҳатто Алпомишнинг севикли хотини Барчинойга уйланмоқчи бўлиб тўй бошлаган эди. Алпомиш тўй устидан чиқиб қолади. У ўзини билдирмай, ўз устози Қултой қиёфасида тўйга келади. Уни ўлиб кетган деб гумон қилган, чуқур мотамдаги хору-зор ота-онаси, ўғли Ёдгор ва дўстлари унинг куч-қудратини сезиб, таниб оладилар. Алпомиш Ултонтозни енгиб, мурад-мақсадига етади.

Бу воқеаларнинг барчаси эпосга хос кўламдорлик, улғуворлик билан тасвирланади. Унинг бадиий тасвирий воқеалари ажойиб муболағалар, чиройли ва мазмундор ташбеҳлар, батафсил тавсифлар, ҳодиса ва манзаралар тасвирининг сокин тантанавор оқими эпик услубда олиб борилади.

Алпомишнинг ўз бахти, оиласи бахти учун кураши халқ бахти, ватанининг бирлашуви, гуллаб яшнаши, хотиржамлиги, ёвуз ва қаллоб ҳукмдорларга қарши кураши, чет эл босқинчилари ва ўз ичидан пайдо бўлган золимларга қарши кураши билан узвий боғланиб кетган.

Эзгуликнинг ёвузлик устидан ғалабаси, унинг мардлик, ботирлик, ёвга нафрат, дўстга садоқат, элга самимий меҳрибонлик, инсон эрки ҳақидаги халқнинг энг яхши орзу-умидлари Алпомиш, Барчиной, Қалдирғоч, Қоражон, Кайқубод образларида ўз ифодасини топган.

«Алпомиш» дostonида бошқа машҳур эпик дostonлар билан ўхшашлик жойлари ҳам кўп, бу эса унинг ҳам жаҳон халқлари эпик мероси билан ҳамоҳанг эканлигидан далолат



беради. Масалан, Абулқосим Фирдавсий томонидан ёзма адабиётга киритилган «Шоҳнома» достонини олиб кўрсак, унинг бош қаҳрамони Рустам ҳам, Алпомиш ҳам болаликда-ноқ ғайритабиий паҳлавонликка, жуда катта куч-қудратга эга эдилар, уларнинг ҳар иккови ҳам болаликдаёқ тез ўсиб, баҳодирлик кўрсатадилар. Улғайгач эса, ўзлари бутун бутун қўшинларни тору-мор қиладилар. Уларнинг отлари Бойчибор ва Рахш ҳам оддий от эмас, фақат Алпомиш ва Рустамга аталган. Ҳар икковини жанговар дўстлари, ўз халқи балогардоним деб атади.

«Алпомиш» достонининг бадийлик даражаси ҳам жуда юксак, шунинг учун ҳам уни жаҳон бадий фикр ҳазинасидан муносиб ўрин олган асарлардан десак муболаға бўлмайди.

Унинг сюжети мураккаб, аммо қизиқарли, композицияси аниқ ва пухта ўйланган, услуби ўзига хос, турли жанрлардан жойи-жойида фойдаланилади. Унда ўткир драматик ҳодисалар билан бирга, кенг кўламли эпик ҳикоятлар ва енгил ҳазил-мutoйиба ёки қаттиқ шош этувчи сатирик лавҳаларнинг, чуқур инсоний туйғуларни ифода этувчи лирик чекинишларнинг бирин-кетин алмашиб туриши ўқувчи ё эшитувчи учун бу улкан китобни қизиқарли қилади, унинг киши онгига таъсирини оширади. Унда ҳаёлий фантастик воқеалар ҳам кўп учрайди. Аммо улар ҳам асар тўқимасига ишонарли, реал ҳаётда бўлиб ўтган воқеалардек сингдириб юборилган.

Асарда насрий ва шеърий бўлақлар бир-бирини тўлдириб келади. Воқеа тафсилотлари, табиат манзаралари, ҳаётини деталлар, айрим хабарлар насрий қисмда берилса, кўпинча қаҳрамонлар орасидаги айтишувлар, алам, ўй-ташвишлар, севги шавқи, ғалаба завқи, қаҳрамонлик, жанг тасвирлари ва бошқалар шеърий ифода этилади.

Достоннинг насрий қисмида қофияли наср ёки саж қўлланилади. Шеърий қисми эса, асосан ўнбирлик бармоқ вазида айтилган. Аммо керак жойда вазн ҳам ўзгартишга учраб туради. Жангга ҳозирлик вақтида қўшинларнинг қўзғалиши, жанг тасвирлари ва бошқаларни ифода этувчи сатрлар кўпинча етти ё саккиз бўғинли бармоқ вазида берилади. Бу эса воқеаларга қараб дўмбира овозини ҳам тезлатади, сатрларни ҳам жадаллаштириб, жанговар руҳ беради.

Достонда параллелизмлар, муболаға, ироқ, такрор, ташбех, мажоз ва истиора каби бадий ифода воситаларидан кенг фойдаланилади. Унда бандлар кўпинча якка қофияга эга. Аммо унда ички қофия, омоним қофиялар, қўш қофиялар ва радифлар ҳам тез-тез учраб туради. Бу эса шеърнинг муסיқийлигини ва таъсир кучини оширади.

Асрлар давомида сайқал топган бу дoston қаҳрамонлари кишида юксак идеаллар — олижаноблик, ҳалоллик ва мардлик туйғуларини тарбиялайди.

Бу китобда парча келтириладиган иккинчи асар ёзма эпоснинг энг порлоқ намунаси Фирдавсийнинг «Шоҳнома» асаридир.

Бундан минг йил муқаддам яшаб ижод этган, дostonчиликнинг моҳир устози, ўз замонасининг буюк алломаси Абулқосим Фирдавсий халқ оғзақи ижоди бойликларини чуқур ўрганиб, уни бир улкан китобда бадиий таъриф эта олган.

Улуғ Фирдавсий «Шоҳнома»си майдонга келган кунда ноқ кимнинг мутолаасига тушса, унинг дилига завқу-шавқ бахш этган, қайси диёр тупроғига қадам қўйса унда донғи кетган, қайси бир мамлакат шоҳлиғига насиб этса, унда шўришу ғовго кўтарган, охир минг йил ичида бутун жаҳонни забт этган, шундай узоқ умр кўрса ҳам қариб қолмаган, бил-акс тобора навқирон қудрати, ёшлик таровати оша борган ажиб бир асардир.

У— Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг тўрт минг йилга яқин даврини ифодалаб, чизиб берувчи афсонавий ва ҳақиқий тарихи.

У— шу даврда Ўрта Осиё ва Яқин ҳамда Ўрта Шарқ халқлари яратган афсоналар, эпик дostonлар, ҳикоят ва ривоятлари қомуси.

У— жуда содда ва жуда мураккаб ҳодисаларни ажойиб уйғунлик билан бир катта дostonга бирлаштириш маҳорати.

У— араб тилининг икки юз йиллик ҳукмронлигидан кейин форсий тилни тахтга миндирган, ажам халқлари ўтмиши ва маданий бойлигини байроқ қилиб кўтарган, унинг равшан нури ва тиниқ тароватини кўз-кўз қила олган ва тарихий жойини аниқлаб бера олган, ватанпарварликни энг баланд пардаларда васф эта олган куй.

У— Шарқ классик шеърини ва халқ ижодиётида вояга етган, бадиий ифода воситаларини ўзида жамлаган, уларга сайқал бериб, янги юксакликларга кўтара олган, ўрта аср талабига биноан уларнинг ўрнини мустаҳкамлаб, қонуллаштирган маҳорат мактаби.

У— ҳозиргача навқиронлик ҳусну тароватини йўқотмаган, аммо шу билан бирга ўз даври кишилари, бундан ўн-ўн бир аср илғари яшаган ватандошларимизнинг фикру ўйлари, кураш ва ташвишларини тасвирлаган, улар дилини бизга ёритиб бера олган кўзгу.

У— Ўрта Осиё ва Эрон ерлари, одамлари ҳақидаги

энг яхши асар бўлиши билан бирга, умумбашарий ҳис-туйғуларни куйлай олган, гуманистик ғояси ниҳоятда юксак му-сиқа.

У— Хайём, Саъдий, Ҳофиз, Низомий, Ҳусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Шота Руставели, Гёте, Байрон, Пушкин, Толстой ва бошқа ўнлаб ғарб ва шарқ адабиёти даҳолари ижодида жилава этган нур, улар ижодидаги Рустам, Искандар, Хисрав, Баҳром, Фарҳод, Сиёвуш, Гурдофарид, Ширин, Дилором образларини яратишга илҳомлан-тирган манъба.

У— шеърият сарчашмаси.

«Шоҳнома»да бир қатор афсонавий кучлар, жин, ажи-на, дев, парилар кўпинча оддий одамга айланадилар. Улар ўз қиёфаларида эмас, инсон табиатига хос яхшилик ё ёмонлик бўлиб гавдаланадилар. «Шоҳнома» қаҳрамонлари эса, баъзи афсонавий хислатларга эга бўлсалар-да, аммо инсоний ҳис-туйғу эгаларидирлар.

«Шоҳнома»да эллик подшолик даври тасвирланади. Унда Эрон ва Урта Осиё халқлари тарихининг энг қадим (афсонавий) даврларидан тортиб, то араблар босиб келгун-гача бўлган давр ҳикоя қилинади. Достонни текширган олим-лар уни уч бўлакка тақсим қилганлар.

Биринчиси: афсонавий қисм. Унда шоир қадимий аф-соналарни бадиий ишлаб чиқади. Иккинчиси: қаҳрамонлик эпоси. Бу бўлим асосан Рустами Достон, унинг отаси Зол, бобоси Сом ва бошқа баҳодирлар ҳақидаги қиссалардан иборат. Масалан, Гударз ва унинг ўғиллари— Шайдуш, Нас-тух, Баҳром, Рухом, Ҳажир, Гев, Невзод ва бошқалар. Учинчиси: тарихий бўлим. Бунда Эрон ва Урта Осиё халқла-рининг Сосонийлар давридан бошлаб то араблар бостириб келгунча бўлган тарихи бадиий бўёқларда ёритиб бери-лади.

Достоннинг асосий ғояси эзгулик ва ёвузлик кучлари орасидаги кураш ғояларидир. Китобда шоҳлар образи анча қуруқ, схематик чизилган, улар даврларни белгилаш учун-гина қўйилган нишонларга ўхшайди. Достоннинг ҳақиқий қаҳ-рамонлари унда ҳаракат этадиган баҳодирлардир.

Достоннинг асосий қаҳрамони— Рустами Достондир. У ўз она юрти Эроннинг суянчиғи, таянчи, унинг жасорати би-лан мамлакат кўп балолардан халос бўлади, босқинчилар ҳу-жумидан омон қолади, халқ чет элликлар асоратидан қуту-лади. Рустами Достон— ҳақиқий халқ қаҳрамони. Уни то ҳо-зирги кунгача халқ севиб тилга олади, исмини болаларига қўяди.

Фирдавсий «Шоҳнома»си жуда халқчил асар. Унда ҳа-

қиқий ватанпарварлик, қаҳрамонлик, инсоннинг ижодий ва ижобий фаолияти тавсиф этилади.

Фирдавсий китобни ақл васфидан бошлайди. Сўнгра у аввалги афсонавий шоҳлар — Қаюмарс, Ҳушанг, Таҳмурос, Жамшидлар ҳаётини ҳикоя қилиб беради, яъни инсониятга маданият олиб келувчи образларни яратади.

Таҳмурос вафотидан сўнг унинг ўғли Жамшид тахтга ўлтиради. У ёшлигидан яхши тарбия олган, ўқимишди, билимдон ва одил подшо бўлади. У 700 йил ҳукмдорлик қилади. Унинг даврида мамлакат гуллаб яшнади, табиат сирлари очилади, ер ўз бойликларини одамларга нисор этади. Одамлар турли ҳунар ўрганади. Одамлар маъдан эритиб ундан қурол-аслаҳа ясашни, мато тўқиш ва бичиб-тикишни, конлардан олтин, кумуш, олма, ёқут, феруза каби қимматбаҳо маъдан ва тошларни олиб ишлатишни, турли гиёҳ ва ўт-илдиэлардан доривор ҳамда хушбўй атирлар ясашни ўрганадилар.

Одамлар тинч меҳнат билан машғул, фаровон ҳаёт кечирадилар. Ахриман дев аскарлари ҳам уларга хизмат қилади. Фишт қуйиб, иморат соладилар. Одамларни меъморлик сирларидан хабардор этадилар. Қурол-аслаҳа эса фақат ваҳший ҳайвонларга қарши ишлатилади.

Жамшид одамларни тўрт гуруҳ, тўрт табақага тақсим қилади. Рухоний мўъбадларни кутузийлар деб атади. Уларга тоғлиқ жойда — баланд чўққиларда жой қилиб беради. Улар абадий оловни, қадим анъаналарни сақлайдилар, илму фанни ривожлантирадилар. Иккинчи гуруҳ носирийлар деб аталиб, улар халқ тинчлиги ва давлат мустаққамлигини сақловчи жанговар аскарлардир.

Учинчи табақа кишилари — насудийлар деҳқончилик билан банд бўлган тинч меҳнат аҳиллари бўлса, тўртинчи гуруҳга ҳар нарсада моҳир ҳунармандлар киради. Улар аҳту ҳуший деб аталади.

Ҳамма ўз жойида, барча ўз иши билан банд. Мамлакат кундан-кунга яшнаб кетади. Аммо Жамшид одамлар меҳри билан мактовидан ғурурланиб кетади. У уламо-ю ҳукамо, аъёну акобирни йиғиб, нутқ сўзлайди, қўлга киритилган ҳамма ютуқларни бир-бир санаб, сўнгида буларнинг ҳаммасини сизга мен бердим, бас шундоқ экан, мени валинеъмат (яъни ризқ берувчи) деб билинг ва хизматимда бош эгиб туринг, ким менга тобеълик қилмаса ул ахриман, дейди. Буни эшитган мўъбадлар чурқ этмай бош эгиб қоладилар.

Шу гапдан сўнг мамлакат улўғлари ундан юз ўгирадилар. Юртда парокандалик бошланади. Жамшид қўрқув ва саросимада қолади. Асилзодалар яширинча араб шоҳи Заҳҳок билан тил бириктирадилар. Заҳҳок босиб келганда Жам-

шид қочиб кетган эди. Юз йилдан сўнг Заҳҳок Жамшидни Хитой денгизи қирғоқларидан топиб, икки бўлак қилиб арра-лайиб ташлайди.

Заҳҳок воситаси билан одамзод тухумини қуриштириш режа қилган иблис ошпаз қиёфасида келиб, Заҳҳокка хизмат қилади. Унга қуш гўштидан лаззатли таомлар тайёрлаб беради. Унинг тоамларидан мамнун бўлган Заҳҳок: «Мукофотига нима тилайсан?»— деганида ошпаз иблис: «Менга ҳеч нима керак эмас, елкангдан ўпич олишга рухсат берсанг шу менга катта мукофот», дейди.

Заҳҳок рози бўлади. Иблис унинг икки елкасидан ўпич олиб, ўзи ғойиб бўлади. Заҳҳокнинг елкасидан эса икки илон ўсиб чиқади. Улар ҳар куни икки ўспириннинг мияси билан овқатланади. Одамлар камая бошлайди. Заҳҳок минг йил подшолик қилади.

Кова номли темирчининг ўн тўққиз ўғли бўлиб, ўн етти-таси Заҳҳок илонларига ем бўлади. Ун саккизинчисини олиб кетадилар, шунда ул пешбандини байроқ қилиб кўтариб, зодим шоҳга қарши кўзғолон бошлайди. Уни енгиб, Жамшид авлодидан қолган Фаридунни тоғдан топиб келиб тахтга ўт-қазийади. Мамлакатда адолат қарор топади.

Фаридун кексайиб қолгач, ўз мамлакатини учга тақсим қилиб, уч ўғлига бўлиб беради. Фарб томонни Салмга, Турон томонни Турга, Эрон ва тахту тожини кенжа ўғли Эражга беради. Бундан норози бўлган икки ака Эражни меҳмонга чақириб, ўлдирадилар. Эраж набираси Манучеҳр қотиллардан бобосининг қасосини олиб, ҳар иккисини ҳам ўлдиради. Шундан бошлаб, Эрон ва Турон орасидаги қонли қасос урушлари гоҳ сўниб, гоҳ алангаланиб давом этаверади.

Бу курашда Рустами Достон машҳур паҳлавон бўлиб етишади. У кўп қаҳрамонликлар кўрсатади. Шоҳ Манучеҳр кўпроқ Сейстон ҳокими баҳодир Сомга таянади. Кўп вақт Сомнинг фарзанди бўлмайди. Охири овда юрганида хотини ўғил туққани ҳақида хабар келади. Аммо бола оқ сочли бўлиб туғилади. Бундан хафа бўлган Сом буни иблис қилмиши деб тушунади ва «менга бундай мўйсафид бола керак эмас», деб уни Элбурз тоғидаги одам оёғи тегмаган жойларга олиб бориб ташлашни буюради. Шундай қиладилар. Афсонавий Семурғ қуши болани кўтариб уясига келтиради ва ўз болалари қатори уни ҳам тарбиялайди. Сом бошқа фарзанд кўрмайди. Ибодатхонага бориб, ўз қилмишидан тавба қилади ва Элбурз тоғига бориб, ўғлини топиб келади. Энди Зол вояга етган кўхлик ва паҳлавон бир йигит эди. Сомнинг қўл остидаги амирлардан бири Меҳроб

эди. Зол унинг қизи Рудобага ошиқ бўлиб қолади. Рудоба ҳам уни севади. Аммо Меҳроб золим подшо Заҳҳок авлодларидан эди. Шунинг учун Золнинг Рудобага уйланишига қарши чиқадилар. Шунда Зол шоҳ Манучеҳр ҳузурига боради. У ўзининг ақлу фаросати билан шоҳга ёқиб қолади. Мунажжимларга маслаҳат солишади. Мунажжимлар Зол ва Рудоба кўшилсалар мисли кўрилмаган паҳлавон дунёга келишини башорат қиладилар. Зол Рудобага уйланади.

Рудобанинг ой куни этади, аммо туғолмай қийналади. Шунда Зол ўзининг иккинчи онаси, Семурғ ёнига маслаҳатга боради. Семурғ Рудобанинг қорнини ёриб болани олиш кераклигини маслаҳат беради ва қандай гиёҳлардан дори-дармон ясашини айтади. Шундай қиладилар. Бу қийноқлардан қутулган Рудоба «бирастам», яъни «қутулдим» деб юборади. Шундан боланинг исми «Рустам» бўлади.

Рустам жуда тез ўсиб паҳлавон йигит бўлиб етишади. У афсонавий кучга эга. Ўтирганда ҳам бўйи ҳаммадан баланд, юрганда ўз оғирлиги залваридан оёғи ерга ботиб кетади. Уни фақат Рахш номли отигина кўтара олади. Рустам енгилмас паҳлавон бўлиб етишади.

Фирдавсий севган паҳлавонлардан яна бири Сиёвушдир. Сиёвуш подшо Кайковуснинг ўғли. Хотини ўлган Кайковус ёш ва гўзал қиз Судобага уйланади. Сиёвуш гўзал, паҳлавон йигит. Ўғай она уни севиб қолади. Сиёвуш унинг севгисини рад этади. Мунофиқ Судоба унга тўхмат қилади. Сиёвушни оловдан ўтказадилар. Покиза ниятли Сиёвуш оловдан омон чиқади. Отаси уни Афросиёбга қарши урушга юборади. Сиёвуш Афросиёб билан сулҳ тузади. Отаси уни сотқинликда айблайти. Аммо Рустам қўлида тарбия топган Сиёвуш ҳарбий санъатни эгаллаган довюрак паҳлавон эди. Унинг инсоний қалбида урушга қарши исён бор эди. Шунинг учун Туронийлар тарафига ўтади. Афросиёбга куёв бўлади. Шаҳарлар қуради. Аммо унда ҳам ғаламислар, хасадчилар топилиб қолади. Унга тўхмат қиладилар. Уни Эронга сотқинликда айблаб ўлдирадилар.

Халқ Сиёвушни жуда ҳурмат қилади. Сиёвуш ўлимидан хабар топган эронийлар яна Туронга ҳужум бошлайдилар. Рустам бошлиқ Эрон аскарлари Сиёвуш қасосини олиб, ҳамма ёқни яксон қиладилар. Бутун Турон заминига ўт қўйиб, кулини кўкка совурадилар, бор тирик жонни қирғин қиладилар.

«Шоҳнома»да асрлар давомида кўплар қалбини лерзага солиб келаётган достонлардан яна бири шоир Жуковский рус тилига таржима қилган «Рустам ва Сўҳроб» достонидир.

Ҳамиша ҳарбий шўҳратга интилган, ғолиблик ғурури дилу шуурини тўлдирган Рустам жангда ўз ўғли Сўҳробни тани-

май кўксига ханжар уради, охириги дамларда у ўзини танита олган бўлса ҳам, энди кеч қолган эди. Сухроб ҳалок бўлади. Уғлининг жонсиз жасадини кўтариб, ҳўнграб йўғлаб юрган улкан паҳлавоннинг аянчли аҳволи, унинг изтироблари, Сухроб онасининг носаси, бобоси Сомнинг набираси тобути устидаги аламли фиғона китобхонда урушга қарши нафрат кўзгайди, Фирдавсий «Шоҳнома»нинг кўп жойида урушга лаянатлар ўқийди.

Улуғ Фирдавсийнинг реализми унинг ўз даври билан боғлиқ бўлган дунёқараши чегарасидан чиқиб кетади. Ҳаёт ҳақиқати унинг тор синфий қарашлари доирасига сиғмай қолади.

Бу жиҳатдан, айниқса, Маздак ҳақидаги қисса характерлидир. Маздак 5 аср охири, 6 аср бошларида яшаган тарихий шахс. У жуда катта халқ кўзғолонларининг раҳбари. Маздакнинг фикрича, хусусий мулкчилик кишилар жамиятидаги ҳамма балоларнинг онасидир. Унинг таълимотига кўра, дунёда икки куч доимий курашда. Бири қоронғулик манбаи бўлган жаҳолат ва билимсизлик, иккинчиси, ёруғлик манбаи — билим.

Маздек қора кучларни дунёдан йўқотишга чақиради. Ишламай ейдиган ҳоким синфларни ҳам қора кучларга қўшади. Маздак тарафдорларининг кўзғолонлари бутун Эрон ерларига ёйилиб кетади. Улар феодалларнинг ер-сув, мол-мулкни тортиб олиб, деҳқонларга бўлиб берадилар. Кубод шоҳ исёнчиларга ёрдам беради. Чунки, у марказий давлатга бўйсунмаган айрим хонлардан шу йўл билан қасос олмақчи бўлади.

Қадимий тарихчилар маздакийлар ҳаракатини бир тўда муттаҳамлар исёни деб таърифлаган бир пайтда Фирдавсий бу халқ қаҳрамонини камоли муҳаббат билан куйлайди. Бу эса дostonни халқ юрагига сингдирувчи яна бир катта ҳислатдир.

Улуғ рус революцион-демократ ёзувчиси Н. Г. Чернишевский «Шоҳнома»нинг мана шу халқчиллигини таъкидлаб, унга жуда юқори баҳо берган эди:

«...Фирдавсийнинг ажойиб ижоди «Шоҳнома» халқ кўшиқлари йўғиндиси ва уларни қайтадан ишлашдир. Унда шундай гўзал нарсалар борки, ундай гўзал нарсалар «Ии ада» ва «Одиссея»да ҳам топилмайди»<sup>1</sup>.

Бу сўзларда «Шоҳнома»даги баъзи дурдоналарни қадимги юнон шоири Гомернинг «Одиссея» ва «Илиада» асарларидан кўра ҳам юқори баҳоланиши билан бирга, бундай

<sup>1</sup> Русские писатели о литературном труде. 1955 йил. II том, 274—бет.

муваффақиятнинг сири қаерда эканлигини ҳам тушунтириб берилган. Бунинг сири «Шоҳнома»нинг халқ ижодига суюнганлигида, унинг асл маъноси билан халқчиллигидадир.

Ундаги одил шоҳлар образи ҳам, ватан ҳимоясига доим тайёр турган паҳлавонлар образи ҳам, ўз ёрларига чинакам дўст, ватанларига фидокор хотинлар образи ҳам, бошқа жуда кўп хислатлар бу китобни чинакам халқ мулкига айлантириб юборган.

Фирдавсийнинг тили ҳам кўп асрлар давомида халқ даҳоси билан ишланган услубни қабул қилиш билан бирга, уни яна янги бадиий чўққиларга кўтаради. Шунинг учун ҳам дostonнинг жуда кўп байтлари халқ мақолларига кўшилиб кетган. Уларнинг қай бири аввал мақол бўлиб, кейин «Шоҳнома»га кирган ва қай бири Фирдавсийдан кейин мақол бўлиб қолганлигини ҳозир ажратиш ҳам қийин.

«Шоҳнома»— «Шоҳлар ҳақида китоб» деб аталса-да, лекин унда асосий қаҳрамонлар шоҳлар эмас, балки ватан устига келган офатларни даф қилувчи Сом, Зол, Рустам, Исфандиёр, Сиёвус, Гив, Гударз, Эраж, Тус каби паҳлавонлардир.

«Шоҳнома» мана шу баҳодирларнинг ёвузликка қарши кураши ҳақидаги китобдир. Аммо Фирдавсий 50-60 минг байт, яъни 100 мингдан ортиқ мисрадан иборат улкан эпосеясида жангу жадал ҳақида ёзар экан, уруш қилмасликка, ҳамма қарама-қаршиликларни тинч йўл билан ҳал этишга қақиради:

Сулҳ жангдан яхшироқ эрур бегумон,  
Ҳушёр бўл кетмасин қўлдан молу жон.

Фирдавсий очикдан-очик уруш қилмасликка қақиради:  
Ҳар кимнинг ўз номи, шон орзуси бор,  
Жангдан сулҳа афзалроқ келади минг бор.

У инсонга озор бермасликка, ёмонликнинг уруғини қуритишга даъват этади. Одам энг қимматли гавҳар, кимки кишига ёмонликни раво кўрса, унинг ўзи фалокатга дучор бўлади...

Дарҳақиқат, маъна минг йилдирки, «Шоҳнома»ни мутолаа қилган кишилар улуғ шоирга офарин ўқимоқдалар.


«Шоҳнома»нинг бундай қудрати — яшовчанлик ва навқиронлик сири унинг донолигида бўлса керак. Фирдавсийнинг қуйидаги байти, унинг дил арзандаси, суюкли фарзанди «Шоҳнома»га ҳам тўла тааллуқли кўринади:

Қудратлидир, кимки бўлса билимдон,  
Билимдан кексалар дили навқирон.

**Шоислом Шомуҳамедов**







## «ҚУТАДҒУ БИЛИГ»

(П а р ч а)

### ТИЛ ОДОБИ, СЎЗ, УНИНГ ФАЗИЛАТ ВА НУҚСОНЛАРИ ҲАҚИДА<sup>1</sup>

заковат, билим таржимони — бу тил  
ёругликка элтар одамни у, бил

тил эрни улуғлар, топар қут киши  
тил эрни тубанлар, ёрилар боши

---

<sup>1</sup> Бундан тўққиз аср муқаддам 462 ҳижрий (1069—1070 милодий) йилда туркий тилда ҳозирча бизгача етиб келган биринчи адабий асар — «Қутадғу билиг» («Саодатга йўлловчи билим») дostonи майдонга келди. Асар яратилган давр ўзига хос тарихий шароитлар билан характерланади. Кенг майдонни ўз тасарруфига олган қорахонийлар салтанатида ҳокимиятни мустаҳкамлаш, давлатни идора қилиш, мамлакат ободонлиги, юрт бойлиги, турли ижтимоий гуруҳлар орасидаги муносабатлар, ички ва ташқи сиёсатни изга солиш, илм-фан, маърифат равнақи, ахлоқ-одоб, урфу — удум масалалари юзасидан йўл-йўриқлар кўрсатиш кун тартибидagi долзарб масалалардан эди. Асар муаллифи Юсуф хос Ҳожиб ўз даврининг етук мутафаккири сифатида худди мана шу саволларга ўз асарида жавоб берди. У фалсафий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, маъруфий, таълимий, ахлоқий қарашлар системасини яратди.

тили қийнаган эр нима дер, эшит  
бу сўзга амал қил, ўзингга иш эт

мени тил азоблар, этар танг ҳолим  
бошим кесмасидан кесайин тилим

сўзинг эҳтиёт қил, бошинг кетмасин  
тилинг эҳтиёт қил тишинг синмасин

этар тилни таъриф донишманд киши  
амал қилган унга — саломат боши

одам тили ёмон, сени сўзлагай  
ёмон тилли одам этингни егай

тилингни кузатсанг, кузатилди бош  
сўзинг қисқа қилсанг, узун бўлди ёш

талай сўзлама сўз, бироз сўзла оз  
талай сўз чигалин шу оз сўзда ёз

эсонлик тиласанг агар сен ўзинг  
тилингдан чиқарма яроқсиз сўзинг

---

Асар муаллифи Юсуф Баласоғун шаҳрида туғилган, ўз асарини Кошғарда ёзиб тугаллаган ва уни Тавғоч улуғ Буғра Қорахонга тақдим қилган. Асар хонга манзур келган ва муаллифга ўз саройида хос ҳожиблик лавозимини берган, шундан сўнг у Юсуф Хос Ҳожиб номи билан машҳур бўлган. Асар бизгача уч қўл ёзма нусхада етиб келган. Ҳозир бу нусхалардан бири, уйғур ёзуви билан кўчирилган нусхаси Венада, араб ёзуви билан кўчирилган бир нусхаси Қоҳирада ва яна бир нусхаси Тошкентда сақланади.

Асар том маъноси билан дидактик руҳда ёзилган. Шунинг учун ҳам унинг қарашлари системасида ўрин олган таълим, тарбия, одоб, ахлоқ, инсоний фазилатлар, илм-фан, таълим-тарбия, ақл-заковат, билим ва ҳунар борасидаги фикрлари барча даврлар учун мақбул, барча учун манзур ҳикматлар даражасидаги умуминсоний хусусиятга эга.

Асар тили XI аср туркий адабий тилнинг юқори намунаси бў-

доно сўзлаган сўз бамаъни бўлар  
жоҳил ўз сўзидан маҳалсиз ўлар

талай сўзнинг одам нафин кўрмаган  
амалда сира манфаат бермаган

жамини сўзни сўзлаш ақлдан эмас  
керак сўзни айтган одам панд эмас

кўнгул сиррин очма, яширгин уни  
агар сир очилса ўкинч ҳар они

қизил тил қора бош ёви беамон  
ашаддий бу ёвни кузат тун-кунини

қора бош ёви бу қизил тил эрур  
талай бош еган у, яна кўп еюр

---

либ, унинг лексик бойлигини ташкил қилувчи сўзларнинг жуда кўп қисми ҳозирги замон ўқувчиси учун тушунарли эмаслиги табиий. Масалан:

билиг бирла йалнгуқ ишин башласа  
тилак булды сақын нэгу ишласа

тугал ишта ашну тўсулур билиг  
кэнилса билиг ишка йэтмас элиг

айыт сўз уларқа йэма бутма тэрк  
билигли байат ул муны тутғу бэрк

буларыг йэма эзгу тутғыл йараш  
тилин сэрма ирма кўнгул қылма баш

Асар тилининг мана шу мураккаблигини ҳисобга олиб, қуйида ундан келтириладиган айрим намуна парчаларини ҳозирги ўзбек тилига шеърӣ тавсиф қилинган ҳолда берамиз. (Бу бўлимни филология фанлари кандидати Қайюм Каримов тайёрлаган)

бошинг, соғлиги-чун тийиб юр тилинг  
тилинг истаган кун бошингга етур

ҳама сўзни сўз деб гапирма йироқ  
керак сўзни сўзла бўлиб кўз-қулоқ

зеҳлини кўрдим, у оз сўзлади  
талай сўзладим деб ўқинди бироқ

топиб ўрнини ҳам билиб сўзла сўз  
сўзинг бўлсин албат нобийнога кўз

икки иш билан эр мангудир ўзи  
бири — яхши иши, бири — хўб сўзи

одам умри қисқа, сўз умри узун  
ўзидан кейин қолдирар у сўзини

туғилган ўлар кўр, кетар белгисиз  
сўзинг яхши сўзла, ўзинг ўлгусиз

доншманд эр айтган: тутинг сўзни сир  
тийиб тўққизин, сўзлангиз ўнда бир

жоҳилга лозимдир сўзин кезламоқ  
оқилга ярашиқ келар сўзламоқ

киши сўкса, ачиқ тутар эрса тил  
сўнгакка урар ниш, оритар кўнгил

таёқ зарбасининг изи тез кетар  
бу тил зарбидан из қолар ўтса йил

ниятим сўз эрди, мана сўзладим  
кейин келгучиларга деб, кўзладим.

сенга сўзладим мен сўзим, эй жигар  
қулоқ бер насихат тиласанг агар

одамдан одамга насихат — бу сўз  
насихатни тутсанг, нафи мангу-юз

кумуш қолса сенга менингдан мерос  
унинг қимматин сўзга қилма қиёс

кумуш ишга солсанг, тугар, олқинар  
сўзим ишга солсанг, кумуш келтирар

жуда кўҳна сўз бор, масалда келар  
ота ўрни, оти ўғилга қолар

молу-дунё терсанг тугар, олқинар  
ёзилса қолар сўз, жаҳонни кезар

бошинг эзгу сўздан фалакка тегар  
ёмон сўз бошингни тубанга эгар

талай сўзлаганнинг оти эзмадир  
сўзини кезлаган — гунг, бу сўз ўзгадир

агар шундай эрса йўриқ ўрта тут  
кези бирла сўзла, кези бирла ют.

зеҳн кўрки тилдир, бу тил кўрки — сўз  
киши кўрки юздир, бу юз кўрки — кўз

### БИЛИМ, УҚУВ, ЗЕҲН, ЗАҚОВАТ ҲАҚИДА

билимнинг, зеҳннинг улуғдир иши  
шулардан улуғлик топар ҳар киши

зеҳн қайда бўлса улуғлик бўлар  
билим кимда бўлса буюклик олар

зеҳнли уқар ҳам билимли билар  
билимли, зеҳнли тилакка етар

билимсиз киши барча дардли бўлар  
бу дардга даво қилмаса у ўлар

кел эй, доно, изла бу дардга даво  
билимсиз тубандир, қадрли доно

зеҳн бўлса эрда нафи шубҳасиз  
билим бўлса эрда бўлур у азиз

билимсиз кишилар бўлар кўр мисол  
э подон, билимдан келиб ҳисса ол

билимли жуда оз, билимсиз талай  
жоҳил кўп, фозил оз эрур ҳар қалай

билимсиз билимли учун бўлди ёв  
билимсиз билимлига ёв беаёв

билимсиз қилиш-қилмиши барча ёв  
бўлак ёв керакмас, етар шу биров

билимлиги илми тугал тўн, оши  
жаҳолат жоҳилнинг ёвуз йўлдоши

онадан туғилган билимсиз бўлар  
билиб, ўрганиб сўнг ақлга тўлар

кичик болага боқ, билимга тамом  
ёши етмагунча очолмас калом

туға доно бўлмас, киши ўрганар  
бурун сўзламас тилда сўз сўзланар

одам ўрганар, сўнгра доно бўлар  
билим билса, сўнгра ҳама иш унар

зеҳнсиз кишилар' самарсиз ёғоч  
самарсиз ёғочни нима қилсин оч

зеҳн' қадру-қиммат учундир' кафил  
зеҳнсиз кишилар ғуборча енгил

зеҳн қадрини ҳам' зеҳили билар  
билим сотса доно, билимли' олар

нечук телба билгай' билим' қадрини  
билим қайда бўлса билимли билар

билим қадрини' ҳам билимли билар  
садаф', дур баҳосини заргар' билар

билимли билади билим қудратни  
билимсиз' не билсин унинг' қимматни

одамдан одам' фарқи бордир талай  
бу фарқ дёр билимда' тилим ҳар қалай

одамиги вухушдан билим фарқлади  
илм бирла одам' қадин ростлади

бўлиб қолма ҳайвон, ҳунар' ол' илм  
билиб сўзла, тилни билим сақлади

билимли' учун сўзладим мен' сўзим  
билимсиз тилини тушунмас' ўзим

билимсиз билан' ҳеч сўзим' йўқ менинг'  
э доно, фидойинг' бўлайин' сенинг'

билим бирла' сўзла' ҳама сўзни сен  
билимин' улуғла' қора' кўзни сен

билимла ечилур жами берк тугун  
билим' ва' заковатга' интил кунун



билимга амал қил, неча билмагин  
яна ўрганавер, фанимат бу кун

киши кўнгли тубсиз денгиздек эрур  
билим инжу янглиғ тубида ётур

денгиздан чиқармаса инжу киши  
нафи йўқ у инжу мисол сой тоши

ётар нафсиз олтин қор: ер қуйи  
агар чиқса беглар бош да жойи

билимни чиқармас эс: илгга дил  
унинг фойдаси йўқ агар ўтса йил

не фурсатда бўлса бу кундан бурун  
билимлига теккан буюкроқ ўрин

билимсизга тўрда ўрин бўлса, кўр  
бу тўр пойгага тенг, бўлар пойга тўр

олим қилмаса гар илмга амал  
зиё сочмагай илми ҳеч бир маҳал

жами эзгуликлар билим нафидур  
билим ҳатто осмон сари йўл очур

заковат билим бир ажаб эзгу куч  
эришсанг амал қил ва кўкларга уч

заковат озин оз дема, нафи кўп  
билим озини оз дема, қадри кўп

зеҳндир чироғдек қоронғу туни  
билимдир зиё, нур, ёритгай сени

заковат улуғлар, билим кўтарар  
шу инкисила эр топар эътибор

қочарга етар у, учарни тутар  
синиқни ямар у, бузуқни бутар

билим — бойлик, у камбағал қилмагай  
ё қаллоб, ё ўғри келиб олмагай

## ЯХШИЛИК ВА ЁМОНЛИК ҲАҚИДА

жами эзгуликка ҳаёт моядир  
уни зое қилмасдан онгли кечир

ниҳоят азиздир тириглик кун  
беҳуда кечирмоқ ярамас уни

йиғитлик кетар ҳам тириклик учар  
бу тушдек жаҳондан жон албат учар

тиригликда қилмоқ керак эзгулик  
насибанг бўлар сўнг егу, кийгулик

ё бег, қул, ё яхши, ёмон шубҳасиз  
ўзи ўлса номи қолар мисли из

қолар икки хил ном бу тилда мудом  
биридир ёмон ном, бири яхши ном

ўзинг яхши бўлсанг, номинг мақталар  
ёмон бўлса кимки, у қарғиш олар

киши эзгу ном бирла олқиш олар  
ёмон отли ўлса, у қарғиш олар

ёмонлик бир ўтдир, бу ўт куйдирар  
йўлида кечув йўққа ўтса бўлар

табиатга сингган қилиқ, ўрганик  
қора ер қатида кетар, эй тетик

агар яхшининг бўлса ёмон эши  
бўлар хулқи ёмон шу ёмон туши

гар оқ сут билан кирса эзгу қилиқ  
ўлим тутмагунча қолар бу йўриқ

мизожга сингиган қилиқ, ўрганиш  
ўлим бузмагунча бузулмас эмиш

э давлат соҳиби, бу давлат билан  
турайин десаиғ, тур тузук зот билан

бу эзгулик ўзи сара парсадур  
сарани ҳамиша саралар қилур

феъли эзгу киши нима дер, эшит  
фақат эзгулик қил, ўзингга иш эт

тубанлик, шикастлик, жафо ҳар маҳал  
ёмонлар қилиғи эрур, эй гўзал

ёмонликни қилма, э хулқи гўзал  
фақат яхшилик қил тиригинг маҳал

ёмон ишда наф йўқ, у кони зарар  
ҳамиша заҳарли илондек чақар

сахийлик, кишилик, вафо, эзгулик  
келар эзгу эрдан, буни билгулик

бу эзгу киши барча дўст яхшиси  
ўша яхши дўст барча дўст яхшиси

эшинг яхши бўлса, не истаса қил  
фақат яхши эш тут, буни яхши бил  
роҳат, орзу, неъмат, қувонч ҳам овинч  
бўлар эзгуларнинг улуши севинч

эй эзгу, сенга ким туяр, айт менга  
бери келгин энди, мен очман сенга

керак доно, оқил ва зийрак бўлиш  
одамга юзурмас сира ишкал иш

керак минг фазилат билан эзгу феъл  
киши отин ардоқлар ўзни тутиш

### ОЛИМЛАР ҲАҚИДА

жаҳонда йўқ эса гар олим, доно  
экиб унмагай эрди ерда дона

уларни жуда сев, қадрла сўзин  
билимларни ўрғац кўпин, ё озин,

улар илми халққа бўлади чироқ  
чироқ, бўлса, тунда адашмас оёқ,

улар илми келгай жуда сенга қўл  
ҳақиқатга етсанг, этиб турса йўл

булар қўй суруки ора серкадир  
сурук қўйни чин йўлга серка солур

улар бирла яхши алоқада бўл  
бўлар икки одамда қут сенга мўл

олимлар ўзи ҳам туман турлидир  
илмлари бир-биридан фарқлидир.

жуда яхши айтмиш билимли қари  
сўраб доғлардан битар иш бари

### ШОИРЛАР ҲАҚИДА

яна бири шоир — бу сўз тергучи  
кишини мадҳ этувчи, ё фош қилгучи

қиличдан ҳам ўткир уларнинг тили  
ва қилдан нозикроқ хотирлаш йўли

ажойиб калом ким эшитай деса  
улардан эшитсин, қилар завқ роса

денгизга кирарлар вужудла тугал  
ёқут, инжу, гавҳар чиқарар масал

улар қилсалар мадҳ, у элга борар  
ва гар қилсалар фош, номинг булғонар

жуда эзгу тутгин уларни жура  
уларнинг тилига илинма сира

агар мадҳу-мақтов тиласанг ўзинг  
уларни севиштир ва чўзма сўзинг

инма истасалар бериб тур тугал  
уларнинг тилидан ўзинг четга ол

### ДЕҲҚОНЛАР ҲАҚИДА

эрур деҳқон аҳли яна бир тури  
керакли кишилар булар ўзлари

улар бирла қил хуш алоқа пеша  
озуқа жиҳатдан хотиржам яша

жами тебранурга улар нафи бор  
бўлар ҳамма неъматидан баҳравор

тирик жонки бор оч қолиб тўйғучи  
уларга ҳожатманд тирик бўлғучи

сенга ҳам шаки йўқ, керак бу киши  
улар бирла боғлиқ озуқанг иши

улар бирла боғла алоқа, адаш  
тамоғинг бўлар пок, ҳалол бўлгай ош

бўлар деҳқон аҳли жуда қўли кенг  
баланд ҳиммат эрур ва ҳам кўнгли кенг

қимирлагучидан ер узра ҳамон .  
юрувчига — ош, нон, учувчига — дон

уларла боришгин, келишгин ўзинг  
ширин сўзла тилда, очиқ тут юзинг

### ҲУНАРМАНД-КОСИБЛАР ҲАҚИДА

яна бир тоифа — ҳунарманд-косиб  
ҳунар-касб қилур излашиб ризқ-насиб

керакли кишилар булар ҳам сенга  
уларни яқин тут, ярагай кунга

темирчи, этикчи, косиб, дурадгор  
сувоқчи, бўёқчи, ўқ-ёчи, меъмор

оламнинг безаги уларда бўлар  
ажаб барча ишлар шулардан келар

бу янглиғ кишилар саналса талай  
сен ўзинг тушун, мен сўзим бас қилай

буларга аралаш, кириш қориша  
севинтир уларни, севинчда яша

ишинг қилсалар ҳақларин тийма, бер  
едириб-ичиргин, ишингни битир

шулардир бу эл ичра боғлиқ кишинг  
сенга иши тушса ё тушса ишинг

одил бўл ўташда улар бурч-ҳақин  
бўлар сенга барча кишилар яқин

## НАВБАҲОР ТАРОНАСИ

эсиб келди Шарқдан баҳорнинг ели  
очилди жаҳоноро фирдавс йўли

ялангоч дарахтлар ёпинди яшил  
безанди кийиб ол, сариқ, кўк, қизил

қилиб ер юзини яшил, каҳрабо  
хитой карвони ёйди чиний мато

водий, тоғ, адир, сой сепини ёйиб  
чирой касб этди қизил, кўк кийиб

туман хил чечаклар очилди кула  
олам тўлди кофур, ипор ис била

сабо елида ис тарар чиннигул  
оламни муаттар қилар мушк нуқул

гоз, ўрдак, қил, оққуш ҳавони қучиб  
гогиллар юқори — қуйинга учиб

кўкниш турна кўкда оҳанглар қилар  
тизилган туядек учар, елгурар

улар қуш оҳанг тузди, ундар эшин  
ғўзал қиз чақирган каби севмишин

тузиб нагма каклик кулар қаҳ ура  
қизил огзи қондек, қоши қоп-қора

қора зог қагиллар кериб тумшуғин  
уни йиғлоқи қиз унидек тағин


чечакзорда булбул наво соз этар  
хониши туну-кун оламни тутар

элик,кийик ўйнар, чечаклар уза  
буғу, сайғоқ ўйнар, юрар зап кеза

қовоқ осиб осмон кўзи ёш, сочар  
хохолаб кулар гул, юзини очар!







## АЛПОМИШ

(п а р ч а)<sup>1</sup>

...Ўн олти Бойсин-Қўнғирот элининг бошлиқлари ака-ука Бойбўри ва Бойсари фарзанд кўради. Бойбўрининг ўғлига Ҳақимбек, қизига Қалдирғоч, Бойсарининг қизига Барчиной деб исм қўядилар. Эски одатга кўра, Барчинни Ҳақимбекка аташтириб, бешиккертти қиладилар.

Ҳақимбек етти ёшга кирганда, бобоси Алпинбийдан қолган ўн тўрт ботмонлик парли ёйни кўтариб тортади, ёйнинг ўқи Асқар тоғининг катта чўққисини учуриб кетади. Буни кўрган халойиқ унга Алпомиш деб ном беради.

Кунларнинг бирида ака-ука Бойбўри ва Бойсари закот бериш масаласида бир-бири билан жанжалла-

---

<sup>1</sup> Алпомиш достони ўзбек халқи орасида кенг тарқалган асарлардан биридир. Унинг вариантлари Фозил Йўлдош ўғли, Пўлкан шоир, Берди бахши, Саидмурод Паноҳ ўғли, Умир Сафаров, Абдулла шоир, Бекмурод Жўрабой ўғли каби 28 ўзбек халқ достончисидан ёзиб олинган. Ҳозир барҳаёт бахшилар ҳам бу достонни халқ орасида куйлаб келмоқдалар. Бу вариантлар орасида энг мукамал, бадий жиҳатдан энг юксаги Фозил Йўлдош ўғлидан ёзиб олинган нусха ҳисобланади. Достон шоирдан 1928 йилда Маҳмуд Зарифов томонидан ёзиб олинган. Асар кўлэмаси Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва Адабиёт институтининг фольклор архивида сақланади.

шиб, Бойсари ўн минг уйли элати билан Қалмоқ элига кўчиб кетади. Қалмоқ юртида Сурхайил мастоннинг етти баҳодир ўғли бор эди. Булар тўқсон алп орасида энг баҳодирлари ҳисобланарди. Шу тўқсон алп Барчин дарагини эшитиб, унга совчи қўяди. Барчин улардан олти ойга муҳлат олиб, Алпомишга хабар беради.

Алпомиш муҳлат тугайдиган кун Қалмоқ элига етиб келади, етти оғанини алпларнинг кичиги Қоражон Алпомиш номидан Барчинга совчи бўлиб борганда, Барчин талабгорлар олдига тўрт шарт қўяди: пойгада оти ўзган, минг қадамдан танга пулни урган, ёй тортишганда ёйи синмай қолган, курашда тўқсон алпни йиққан йигитга тегажагини айтади. Биринчи шартни бажаришга киришадилар. Алпомиш номидан унинг Бойчибор отини миниб, пойгага Қоражон жўнайди. Қалмоқлар пойга боши — Бобохон тоғида Қоражоннинг қўл-оёқларини боғлаб, Бойчибор отнинг туёғига гулмихлар уриб, ўзлари жўнаб кетадилар. Бир неча кундан кейин банддан бўшаган Қоражон пойгачилар кетидан от суради. Қуйида Бойчиборнинг қалмоқ отларига етиб, улар билан талашиши ва пойганинг олдини олиши тасвири келтирилади:

Қоражон туриб, отнинг оёғини ечди. От ўрнидан турди... Отнинг сағрисини силади, қалмоқларнинг солган совуни жийиб ерга тушди. Отни калта қантариб, тизгинини эгарнинг қошига ўраб ташлаган эди. Қоражон отнинг устига минди, от оёғини босолмай турди.

---

Достоннинг Фозил шоир вариантыни биринчи марта Ҳамид Олимжон 1939 йилда қисқартирган ҳолда нашр этди. Сўнг 1957, 1958 йилларда иккинчи ва учинчи нашрлари амалга оширилди. Тўла равишда 1979 йилда Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётида «Ўзбек халқ ижоди» сериясида нашр этилди.

Бу китобга киритилган парча таниқли ўзбек фольклоршуноси, Беруний номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Тўра Мирзаев томонидан тайёрланган нашрдан олинди. (Ғ. Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979 йил)

Қоражон «Пойгага бекор келган эканман. Қалмоқларнинг кетганига анча вақт ўтди, агар илгаридан от ўзиб бориб қолса, дўстимнинг бетига қандай қарайман? Бу юришим бекор бўлди»,— деб пушаймон қилиб турди...

Отнинг... айтаётган сўзи:

Дам шу дамдир, ўзга дами дам дема,  
Бошинг эсон, давлатингни кам дема,  
Қолдим, деб, Қоражон, сира ғам ема.  
Жабр қилгин бундай ҳайвон жонига,  
Қамчи ургин гўшт кўтарган сонига.  
Етказарман Бойсин-Қўнғирот хонига,  
Қолдим, деб, Қоражон, сира ғам ема.  
Қоражонбек, эшит айтган сўзимди,  
Эгар қошдан ушлаб юмгин кўзингди,  
Энди билсанг мендан хизмат лозимди (р),  
Энди кетдим шопарларим ёйилиб,  
Армон билан қолма мендан айрилиб...

Энди жабр қилди отнинг жонига,  
Қамчи урди Бойчиборнинг сонига.  
Қолмади-ку Бойчиборнинг тоқати,  
Ёзилгандир тўрт ярим газ қаноти,  
Қамчи тортди Қоражондай зўрабор,  
Яшиндай бўп кўтарилди Бойчибор,  
Балки булут билан бўлди баробар,  
Кўзин очиб қарар Қоражон номдор,  
Яшиндай бўп опкетибди Бойчибор.  
«Билмай қамчи урдим буни муқаррар,  
Мени кўкка олиб кетди жонивор,  
Ўз тилидан айтиб эди Бойчибор:  
Бул ишлардан мендай беклар беҳабар.  
Қоражонман, бунда кўнглим бузилди,  
Ёлгончи дунёдан ризқим узилди,  
Дийда гирён бўлиб бағрим эзилди.

Бориб кўролмаيمان мен ўсган элди,  
Бу отнинг кўнглига бир шумлик келди...  
Мени кўкка олиб кетиб боради,  
Бошларим айланиб, кўзим тинади,  
Билмайман аҳволим қандай бўлади».  
Кўзин очиб алп Қоражон қаради,  
Ер юзида бедов кетиб боради,  
Қоражоннинг ҳуши ўзига келади,  
Одамдай бўп ҳар тарафни кўради,  
Қалмоқлардан дарак кўрмай боради.  
Бойчибор боради шундай арқираб,  
Туёғида тўрт сихи бор ярқираб,  
Ирғиганда қумлар кетди тирқираб,  
Бораётир чўлда шундай ширқираб.  
Алп Қоражон ёлғиз кетиб боради...  
Чу, дейди, Чиборга ғайрат қилади,  
Яшиндай бўп чўлда оқиб боради.  
Пойгачининг қорасини кўрмади,  
Қоражондай мардда тоқат қолмади.  
Эрдай бўлиб алп Қоражон оҳ уриб,  
Бораётир ёлғиз чўлларни кўриб,  
Қалмоқларнинг азобидан қутулиб.  
От чопса гумбурлар тоғнинг дараси,  
Ботирни ингрантар найза яраси.  
Қоражон ҳам қалмоқ юртнинг тўраси.  
Кўз юбортиб шундай чўлда қаради,  
Бадбахт чўлда пойгачилар боради,  
Қуннинг ўзи пешин вақти бўлганда,  
Пойгачининг қорасини олади.  
Тўсат-тўсат қалмоқ кетиб боради,  
Не бедовлар жонни сотиб боради,  
Бировдан бирови ўтиб боради.  
Ҳайдовчига бу яқинлаб қолади.  
Яқин ерда қалмоқларни кўради,  
Кейнига Қоражон етиб боради,  
Қалмоқлар ҳам Қоражонни кўради.

Бир нечаси бунга савол қилади:  
— Отингнинг жиловини тортгин, Қоражон,  
Илгариди бориб қолди Кўкдўнан.  
Отни қичаб энди қайга борасан,  
Борган билан бекор ҳалок бўласан.  
Беҳуда отингга жабр қиласан,  
Кўкалдошнинг олганини кўрасан.  
Беҳуда ҳалок бўп нима қиласан?!  
Бундай гапга қулоқ солмас Қоражон,  
Қалмоқларнинг айтган сўзин билади,  
Пойгачиман аралашиб қолади,  
Ҳақнинг яшинидай Чибор боради.  
Қалмоқлардан тўсат-тўсат қолади,  
Беш юз отнинг бири бўлиб боради.  
Ўзган отни санар Қоражон номдор,  
Қўқиб-буриб бораётир қалмоқлар.  
«Янгитда биз ўзбек отин кўрдик, деб,  
Чу, деб улар бундан кейин қолдик, деб,  
Сени от деб бизлар боқиб юрдик, деб,  
Ўзбакнинг қизидан қуруқ қолдик»,— деб.  
Гоҳи тўп-тўп, гоҳи ёлғиз боради,  
Бир-бирига қарамайин жўнади.  
Бир неча отлар сузилиб кейин қолади,  
Қувватин борича қичаб у кўради,  
Қарамайин бари отин уради,  
Не бедовлар суриб кетиб боради.  
Ярамаган — ёмон кейин қолади;  
Ўзбак қизи шундай пойга бўлади.  
Кимнинг оти ўзса қизни олади,  
Аланглаб қалмоқлар кетиб боради.  
Шу отлар бири бўп Чибор юради,  
Чу, дейди, Қоражон қамчи уради,  
Жуптак ташлаб ирғиб кетиб боради,  
Неча отдан Чибор ўтиб боради,  
Ўтган отни санаб кетиб боради,  
Отларнинг ҳисобин Қоражон олади,

Алп Қоражон отга қамчи уради,  
Бир кеча, бир кундуз чопиб боради.  
Шундай бўлиб бораётир Бойчибор,  
Тўрт юз олтмиш отдан ўзди жонивор,  
Чопиб, ҳориб қолаётир тулпорлар,  
Ҳақнинг яшинидай оқиб жонивор,  
Қолган отдан алп Қоражон хабардор,  
Кундуздай тизилиб чўлда бедовлар,  
Яна тонг отганча тинмай чопади,  
Не бедовлар жазосини топади,  
Бир неча йиқилиб қумни қопади,  
Шундай бўлиб алп Қоражон боради,  
Ўзганини жамлаб санаб кўради,  
Куннинг ўзи айни чошка бўлади,  
Пойгачидан тўрт от кам кеп қолади.  
Ким илгари кетганини билмади,  
Қоражондай алпда тоқат қолмади,  
Ул тўрт отнинг нишонини билмади,  
Сўрай деса ҳеч бир одам бўлмади.  
Қоражон чўлларда ёлғиз боради,  
Худо, дейди, отга қамчи уради,  
Жонни сотиб Чибор кетиб боради,  
Қоражонбек шундай бўйлаб қаради,  
Пешин вақти бир қорани кўради:  
Қоражонбек чу, деб шиддат қилади,  
Кейнидан Бойчибор етиб боради.  
Қолмади-ку, у қалмоқнинг тоқати,  
Бораётган Қалмоқшоҳнинг тўр<sup>1</sup> оти,  
Шундай бўлар тўриқ отнинг одати:  
Ета соп Қоражон носвой сўради,  
Икковлари нашалашиб қолади,  
Тўриқ от одати шундай бўлади.  
Қизиб келиб энди қаерда турса,  
Турган ерда олақар бўлади,

---

<sup>1</sup> Тўриқ

Бунинг одатини Қоражон билади...  
От тизгинин бир тўхтатиб туради,  
Ким кетди, деб бу қалмоқдан сўради.  
Қоражонбек бу турганча бўлмади,  
Чув, деди, тағи ҳам бундан жўнади.  
Қалмоқ ҳам бу отга шиддат қилади,  
Турган ерда оти қотиб қолади,  
Қўзғалгандан шўрнинг оти қулади,  
Эгар-абзал дардисар бўп қолади.  
Айиқдай чингириб қалмоқ жилади,  
Чўлда бойқуш пиёда бўп қолади.  
«Қалмоқ келса мени миндириб олар, деб  
Жуда менга қариндошлик қилар, деб,  
Қариндош-да, келса мени кўрар, деб,  
Ҳар замон кейнига бурилиб қаради.  
Кейин қолган қалмоқ етиб келар, деб.  
Қоражон энағар андай қилганди,  
Унинг ҳийласидан отим ўлганди».  
Яёв бойқуш анча йўлни юрганди,  
Барчиной шундайин пойга қилганди,  
Не қалмоқлар чўлда сарсон бўлганди,  
Қоражонбек шундай хизмат қилганди,  
Ёлғиз бир чўлларда қичаб юрганди.  
Қун айланиб тағи туш бўп келади,  
Тағи шундай бир қорани кўради,  
Яқинлаб Қоражон номдор боради,  
Бу отнинг анигин энди билади.  
Остида иргийди бул тўбичоғи,  
Бораётган Қалмоқшоҳнинг шапағи,  
Шапақ отга етиб борди Бойчибор,  
Шапақ бўлди Бойчиборман баробар,  
Пўл талашиб чопа берди жонивор.  
Ҳарчанд қичаб кўрди Қоражон, бекор,  
Қичаганман ўтолмайди Бойчибор,  
Иргиса иккови бўлар баробар.  
Қоражонбек аччиқ қамчи уради,



Шапақман баробар кетиб боради.  
Гам билан сарғайди гулдайин дийдор,  
Жуда дилтанг бўлиб Қоражон қайсар,  
Қанча отдан ўтиб борган жонивор,  
Шапақ билан энди бўлиб баробар.  
Аччиқ қип Қоражон қамчи уради,  
Шовқин бериб чўлда кетиб боради.  
Шапақ отдан ўзолмайди Бойчибор,  
Ўзмоққа Чиборда қувват қолмади.  
«Жайрағирга бу бир бало бўлди, деб,  
Шапақдан ўтмади, тоза ўлди, деб,  
Қурсин шапақ, отни андай қилди, деб,  
Шунча отдан ўзиб келган жайрағир.  
Шапаққа кеп мени дилтанг қилди, деб,  
Билмайман бул ишим қандай бўлди, деб,  
Йўл олмайди отим, кейин қолди» деб,  
Қоражон бек шундай шиддат қилади.  
Куннинг ўзи айни туш бўп келади,  
Шапақнинг олдини Чибор ўради,  
От бошини кунга тўғри қилади,  
Кўзлари чағилиб кейин қолади.  
Шапақ отдан Чибор ўтиб жўнади,  
Шапақнинг одати шундай бўлади:  
Дубур эшитмаса кейин қолади.  
Шапақ отга қалмоқ қамчи уради,  
Дубурни билмайди, кейин қолади.  
Бекор қичаганман нима қилади,  
Бойчибордан от ўтмоғи қийинди (р).  
Кейинги қалмоқлар тўп-тўп йиғилди,  
Бош<sup>1</sup> югрук-да, ўзи назари Чибор,  
Бўлмаса ёлғизга ўтмоқ қийинди?!  
Тоза югрук, бунга онсон бўлади,  
Қанча отдан ўзиб ўтиб боради,  
Қоражон чўлларда ёлғиз боради,

---

<sup>1</sup> Боши, бошида.

Кўз юбортиб ўнгу сўлга қаради,  
Чўлда тағи бир бедовни кўради,  
Кейнидан Қоражон етиб боради,  
Бу отнинг аниғин тағи билади:  
Ўн бир минглик Қалмоқшоҳнинг самани  
Чўлларда ярқиллаб кетиб боради.  
Ғам билан сарғайиб гулдайн дийдор,  
Бу қалмоқ ҳам Қалмоқшоҳга хизматкор,  
Пойгага шоҳининг отини чопар,  
Бораётир Қоражондан беҳабар,  
Чўлларда ярқиллаб араби тулпор,  
Ирғиганда тоғу тошлар гумбурлар,  
Саманнинг кетидан етиб Бойчибор,  
Сағрисиға келиб оғиз солади.  
Кейин қараб ани тўлғаб ташлади,  
Икки тулпор йўл талаша бошлади.  
Иккови баробар кетиб боради,  
Бир-бирига йўлларда рад беради.  
Қоражонбек бунга ҳайрон қолади,  
Қалмоқшоҳнинг оти саман балоди(р),  
Бойчиборман баробар кеп қолади.  
Ҳарчанд ўйлаб борар Қоражон номдор,  
Бораётир йўл талашиб баробар,  
Оқтуёқ келгандир бундай саманлар,  
Оҳ уриб тўкади кўздан ёшини...  
Тошга қараб бурди отнинг бошини,  
Тошлоқда қилай деб бунинг ишини.  
Тошлоқда чопади назари тулпор,  
Бўйнин чўзиб ирғир эди жонивор,  
Бир кеча, бир кундуз тошлоқда чопиб,  
Туёғин олдириб, кейин қолдирар,  
Саман отдан энди ўзди Бойчибор.  
Самандан ўтди-да, тоқат қолмади,  
Кўкалдошнинг Кўкдўнанин кўрмади.  
Баракалла, Қоражондай мардига,  
Бек дўстинга бу қилган хизматига.

Чидай олмай чўлларда ғайратига,  
Сира қарамайди отнинг бетига.  
«Билмайман, Кўкалдош қайда бўлди, деб,  
Оти ўзиб бадбахт бориб қолди, деб,  
Агар борса, бир савдони қилди, деб,  
Тек ўтирмас, бекка ташвиш қилди», деб  
Қоражонбек шундай бўйлаб қаради,  
Милдираган бир қорани кўради,  
Олис йўлдан отни қичаб боради.  
Оҳ урганда кўздан оқар селоб ёш,  
Золим билан ҳаргиз бўлмаглар йўлдош,  
Тақимида беш юз ботмон калтаги,  
Қайқайиб боради бадбахт Кўкалдош.  
Алл Кўкалдош шундай бурилиб қаради,  
Чу, дейди, Дўнанга қамчи уради,  
Яшиндай бўп оқиб кетиб боради.  
— Қани энди ет-да, ол,— деб боради.  
Шопириб ирғийди назари Чибор,  
Бу Дўнандан ғолиб келган тулпорлар,  
Чу, деб қамчи урди Қоражон қайсар,  
Қувиб Дўнанига етди Бойчибор.  
Алл Кўкалдош шундай бурилиб қаради,  
Бойчиборман Қоражонбек келади.  
«Биров буни чечкан», деб гумон қилади,  
Шамолдай ғувуллаб етиб боради,  
Кўкдўнаннынг сағрисидан олади,  
Кейин қараб силтаб отиб юборди.  
Анча йўлга бориб тушди Кўкдўнан.  
Қирқ минг қадам ўтиб кетди Бойчибор,  
Яна ҳам ўзини ўнгғарди Дўнан,  
Чиборнинг кейнидан етди ул замон.  
Қарсиллатиб думғазадан олади,  
Устида Қоражон билмай қолади.  
Кейин қараб силтаб отиб юборди,  
Анча йўлга бориб тушди Бойчибор,  
Ун минг қадам ўтиб кетди бу тулпор,

Узини ўнгғариб Чибор келади.  
Кўкалдош илгари кетиб боради,  
Пойгакнинг мазгили яқин келади,  
«Ўзбек қизи меники,— деб боради,—  
Бу ўзбекнинг оти кейин қолади,  
Барчинойим фақирники бўлади».  
Шу сўзни айтиб ёлғиз кетиб боради,  
Яшиндай бўп Чибор етиб келади.  
Алп Кўкалдош жуда ҳадик олади:  
«Шу ўзбакнинг оти тилсиз балоди (р),  
Тағи ҳам жаланглаб етиб келади».  
Чу, дейди, Дўнанга қамчи солади,  
Ҳозир Дўнан бир баробар келади,  
Икки тулпор йўл талашиб боради,  
Алп Қоражон Кўкалдошга қаради:  
— Акам эдинг, кўп шумликни ўйладинг,  
Пойганинг бошида тортиб бойладинг,  
Неча кундан бери отни ҳайдадинг.  
Қани сенинг Дўнанингнинг ўзгани,  
Еминг ҳақлаб сенинг ҳолинг билгани,  
Қани бу отингнинг хизмат қилгани,  
Ўзбак қизин сенга олиб бергани,  
Қани ундан Бойчиборнинг қолгани?!  
Неча кундан бери чопиб келасан,  
Беш юз одам сарсон бўлиб юрасан,  
Оламан деб баринг аҳмоқ бўласан,  
Беҳуда зингкийиб ҳамманг қоласан,  
Ўзбак оти энди ўзар, биласан.  
— Остингда ирғийди Чибордай ҳайвон,  
Кўтарилиб сўз айтмагин, Қоражон.  
Ўзбак қизи меники, деб бораман,  
Ҳар қандай қилсам-да ўзим оламан.  
Жафоларга солиб энди танда жон,  
Ўзарман, деб кўтарилма, Қоражон!  
Ушбу дамнинг дамларини дам дема,  
Чиборингдан Кўкдўнани кам дема,

Тилинг тортгин, аҳмоқ, сўзни лоф урма.  
Қамчи босса яшиндай бўп кетади,  
Сенинг минган Чиборингдан ўтади.  
Устидаги мендай номдор тўради,  
Бу зўрлигим юртга маълум бўлади,  
Менга душман бўлган одам ўлади,  
Хотинимни қайтиб ўзбак олади,  
Сен бир ўзимдан чиққан балоди(р),  
Оти ўзганман бир ўзбек нима қилади?!  
Қоражонбек бунинг сўзин билади,  
Олганингни кўраман, деб жўнади...

Барчин келиб, Алпомишнинг ҳолини кўриб, йиқилганини билиб, бошини тиззасига олиб, бир сўз деб турган экан:

Не сабабдан, тўрам, қадинг букилди,  
Жаладай бўп кўздан ёшинг тўкилди,  
Бир давлатли хоним, ҳолинг не бўлди?  
Сен йиқилиб қолмас ойим қарори,  
Ё асар қилдими дев билан пари?  
Сен эдинг-ку Қўнғирот элнинг шунқори!  
Сабил бўлмасни-да бобом кирдори,  
Ойимнинг қолмади сабри қарори,  
Бошинг кўтар Қўнғирот элнинг қўчқори.  
Мени излаб келиб бундай бўласан,  
Мен билмайман, кимдан зулм кўрасан,

«Буларнинг келар муддатидан ўтди»,— деб Алпомиш бир баланд тепанинг устига чиқиб, дурбинни олиб, шундай чўлга қаради. Кўрди: икки от чўлда йўл талашиб келаяпти, бирини дурбини билан таниди: бири Кўкдўнан. Бойчибор тўриқдай бўлиб кўринди. Туёғидаги михлар озор берган, оппоқ кўпикка ботган, туёғидан чиққан тўзон билан тўриқдай бўлиб қотган. Бойчиборни танитай: «Ҳам отимдан, ҳам юртимдан айрилдим», деб беҳуш бўлиб йиқилди.

Кўрдим сени, беҳуш бўлиб юрасан.  
Йиғлатмагин мендай гул бувишингни,  
Оч кўзингни, кўтар, хоним бошингни!  
Бундай кунда, хоним, ҳолинг сўрайин  
Хабар бергин, аҳволингни билайин.  
Сен эшитгин мендай ойим сўзини,  
Бундай хафа қилма бийнинг қизини.  
Мендай ойим ҳолинг сўраб турибди,  
Мен билмайман нима зулм бўлибди.  
Тарзинг кўрдим, ҳолинг танг бўп қолибди.  
Билмайман аҳволинг қандай бўлибди,  
Қирқин қизлар аввал сизни кўрибди,  
Ул канизлар менга хабар берибди,  
Мендай ёринг қонлар йиғлаб турибди.

Бу сўзни эшитиб, кўзини очиб, Барчинга қараб,  
бир сўз деб турган экан:

Мендай беклар сенинг учун келгандир,  
Сенинг шартинг билдим пойга бўлгандир,  
Кўп қалмоқман Бобоҳонга боргандир,  
Қоражонман менинг отим ўлгандир.  
От ўздириб қалмоқ сени олмайми,  
Оти ўзса, гапи маъқул бўлмайми,  
Мендай гариб қонлар йиғлаб қолмайми,  
Сендай ойим қалмоқ билан бўлмайми,  
Мендай тўранг тириклайин ўлмайми?!  
Ҳасратингдан беҳуш бўлиб ётаман,  
Юртим кўрмай, сарсон бўлиб кетаман,  
Бундай бўлиб элга бориб нетаман,  
Бу сўзларни ўйлаб қонлар ютаман,  
Қайтай, мен ҳам беҳуш бўлиб ётаман,  
Ётмаганда ёлғиз ўзим қайтаман?!  
Энди бўлдим бу юртларда хору зор...  
Қалмоқларда ўлиб кетди Бойчибор,  
Излаб келиб менинг ўлмогим даркор.

Қалмоқ келса билмам мени нетади,  
Қиличига қирмиз қонлар қотади,  
От остида мени яксон этади,  
От, яроқ, асбоб менда бўлмаса,  
Зўрлик билан қалмоқ олиб кетади.  
Калма келар менинг қизил тилимдан,  
Пиёдаман, ҳеч иш келмас қўлимдан,  
Қўлдан бериб сендай зулфакдоримдан —  
Мен энди айрилдим кирдикоримдан.  
Пойга кетган қалмоқ йиғилиб келади,  
Лоловлашиб бир қиёмат қилади,  
Зўрлик билан келиб сени олади.

Бу сўзни Алпомишдан эшитиб, Барчин ҳам дурбин-  
ни олиб, келаётган отларга қараб, бу сўзни айтиб  
турган экан:

Қууру-ё қур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!  
Оқ тўшим — яйловинг, сочим — шипиртки  
Куйганимдан гапни гапга улайин,  
То ўлганча сайисинг бўп юрайин.  
Эгам раҳм айласин қонли ёшима,  
Сабаб бўлиб қўшгин денги-дўшима,  
Олмосдай туёғинг қордай тўшима,  
Қурру-ё, ҳайт-а, тўрамнинг оти!  
Уйилмай куймасин кулбаи хонам,  
Оҳ уриб йиғлайди мендайин санам,  
Қалмоқда қолмасин гулдайин танам.  
Ун икки ой сени Бойбўри боқди,  
Гарданингга Қалдирғоч қўтос тақди.  
Йиғлатмагин Барчин гулдай бебахтди,  
Қурру-ё қур, ҳайт-а, бегимнинг оти!

Узоқ йўлга кўз юбортиб қаради,  
Билмайман ҳисоби қандай бўлади?  
Келаётган чўлда отни кўради,

Қур ҳайт, дейди, желагини булғади...  
Тепанинг бошида қараб туради,  
Отлар ройиш бу кўриниб қолади,  
Қур-ҳайт, деган Барчинойнинг довуши  
Бойчиборнинг қулоғига боради.  
Сувлуқ тишлаб ўзин отди Бойчибор,  
Қалта қантариб ташлаганди қалмоқлар,  
Тизгини узилиб кетди муқаррар,  
Устидаги алп Қоражон беҳабар,  
Кўкдўнандан энди ўтди жонивор.  
Қоражонбек энди буни билади,  
Эгарнинг қошидан ушлаб келади.  
Бойчибор ғувуллаб кетиб боради.  
Ҳарчанд қичаб кўрди бундай зўрабор,  
Бойчиборман от бўлмади баробар,  
Ирғиганда гумбурлаб қолди чўллар.  
Жуда ҳам бир дилтанг бўлди муқаррар,  
Бир иш бошлаб Қоражонман Бойчибор.

Шунда етолмасини билиб, Қоражонга қараб, Кў-  
калдош алп бир сўз айтиб бораяпти:

Мендайин акангнинг кўнглин бўласан,  
От ўздириб қайси гўрга борасан,  
Акангнинг хотинин кимга берасан?  
Бундай бўлсанг сен жувормак ўласан.  
Сен эшитгин бек акангнинг додини,  
Жувормак ўздирма ўзбак отини,  
Армонман кетмасин аканг хотини,  
Айтган сўзнинг поёмини билсанг-чи,  
Шумлик қилсанг, қонлар ютиб ўлсанг-чи,  
Икки қўллаб як жилов қип бурсанг-чи.  
Сенинг ўзинг юрган қандай балосан,  
Элу халққа шарманда бўп қоласан,  
Аканг тирик, чечангни кимга берасан,  
Торт, жувормак, ўздириб қайда борасан,  
Хотинимни кимга сарсон қиласан.



Бу сўзни эшитиб, Қоражон ҳам от устида бу сўзларни айтиб бораётир:

Қайтай, ака, сенинг кўнглинг қолади,  
Кўнглинг бузуқ, хаёлиг бадга боради.  
Асли кўнглим сенда эди, бек оға,  
Бу Бойчибор жилов бермай боради.  
Шундай бўлди менга ҳақнинг фармони,  
Кўп бўлади сендай акам армони,  
Кўп гапирдинг орт-сиртимдан бемаъни,  
Торта-торта қолмади-ку Қоражоннинг  
дармони,

Отга ўргатганми Бойсишнинг хони?  
Мендай ининг ҳарчанд тортиб кўради,  
Сувлуқ тишлаб, суриб кетиб боради.  
Так, дейди, чу-ҳа, дейди, жўнади,  
Қоражонбек ўз йўлидан қолмади,  
Ҳарчанд бақирганман қулоқ солмади,  
Чингириб ортидан довуш қилади,  
Қоражон қарамай кетиб боради.  
«Жувормак ўл»,— дейди Кўкалдош номдор,  
От тизгинин сақлаб олди муқаррар.  
Қандай бўп илгари ўтди Бойчибор,  
Пойганинг олдини олди жонивор.  
Олдин олиб борар бу Чибор оти,  
Томошамон ўн минг уйли элати.  
Пойганинг олдини олиб борибди,  
Мамлакатга хўп овоза тўлибди,  
Қалмоқ, ўзбак — бари йиғилиб қолибди,  
Саф-саф бўлиб томошамон, турибди.  
Келаётган ёлғиз отни кўради,  
Бойчибор деб ўзбак хуррам бўлади,  
Кўкдўнан деб жами қалмоқ қаради,  
Кўкдўнанга ҳеч келбати келмади.  
Барча халойиқлар қараб туради,  
Бойчибор экани аниқ бўлади.

Кўкалдош алп ҳарчанд чингириб қолди, куйиб-пишиб кўп довуш қилди. Қоражон қулоқ солмай кетди, хоннинг Чибор оти пойга боши бўлиб, олдинга ўтди. Қанча қалмоқ чўлда тизилиб келаяпти. Нечови отини урапти, Кўкалдош кўп пушаймон қилапти: «Илгаридан ғамимни емадим, ёлғиз вақтимда отни хўп ҳайдаб кўрмадим, бу ўзбакнинг отининг бундай келарини билмадим, хайр. Қоражон қулоқ солмай кетди, қалмоқнинг бари қолибди, ўзимиздан чиқиб, Қоражон бизнинг ишимизни қилибди, ўзбакнинг оти пойганинг олдини олибди»...


Мерганлик, ёй тортишиш ва кураш шартларини бажаришда ҳам Алпомиш ғолиб келади ҳамда Барчинни никоҳлаб, ўз юртига олиб кетди. Қоражон ҳам у билан бирга Бойсин — Қўнғирот юртига кетади.

Тойчихон Қалмоқ юртида қолган Бойсарининг молу-мулкни тортиб олади. Қайнотасини қутқариш учун Қалмоқ элига келган Алпомиш Сурхайил кампир ҳийласи билан зиндонга тушади ва етти йил асирликда қолиб кетади. Бу орада Алпомишнинг ўғай укаси Ултонтоз Бойбўри давлатини тортиб олиб, Барчинни ўзига никоҳлаб олиш пайида бўлади. Оти Бойчибор ёрдамида зиндондан чиққан Алпомиш Тойчихонни енгиб, унинг ўрнига чўпон Қайқубодни подшо қилиб кўтаради ва ўз юртига қайтади.

Алпомиш юртига қайтишда карвонлар, туячилар, чўпонлар, ўғли Ёдгор, синглиси Қалдирғоч билан учрашади. Уларга ўзини танитмай ўтиб, Қултой қиёфасида Барчиннинг зўрлик билан ўтказилаётган тўйи устида ўз хонадонига кириб келади ва рақибларидан ўч олади.

Қирқ кун тўй қилиб, Барчин ёрини қайтадан никоҳлаб олиб, мурод-мақсудига етади.





## ФАРИДУН

Темирчи Кова бошчилигида кўтарилган халқ қўзғолони золим подшо Заҳҳокни тахтидан тушириб жазолайди ва ўрнига қонуний тахт вориси Фаридунни подшолик тахтига ўтказди.

Фаридун кўп йиллар адолат ила мамлакатда ҳукмронлик қилади. Унинг уч ўғли ўсиб вояга етади. Ул вақтнинг одати бўйича исми жисмига мувофиқ келсин учун болага туғилганида эмас, вояга етганида ўзига монанд исм берилар экан. Шоҳ Фаридун ҳам ўғилларига нима от қўйиш кераклигини ўйлайди ва уларни синнаб кўрмоқчи бўлади.

### ФАРИДУН ЎЗ УЎГИЛЛАРИНИ СИНОВДАН УТКАЗГАНИ

Ўғиллари қайтгач, хабар топиб шоҳ  
Синнаб кўрмоқ бўлди уларни ногоҳ.  
Билмоқ истар улар кўнгли, дилини,  
Осон этмоқ бўлди ўз мушкулини.  
Аждаҳо шаклида кўринди шул он,  
Шер ҳам ҳайиқар дуч келса ногоҳон.  
Ўғилларга қарши юрди бўрондек,  
Ўт уфуриб борар, самум, тўфондек.

Фира-шира пайт, тоғ дараси ора  
Учала ўғлидан кўринди қора.  
Тўзон кўтарилди осмонга қадар,  
Жаҳонни овозга тўлдирди аждар.  
Ўт уфуриб юрди каттаси томон,  
У ақлли эди бекинди осон.  
Рўбарў келса гар нақд ўлим фақат,  
Бундай жангни ақл кўрмас маслаҳат.  
У ўгрилиб қочди, жойи бехатар,  
Ўртанча ўғилга юзланди аждар.  
Ўртанчаси уни кўргани замон,  
Чаққонлик-ла олди қўлига камон.  
Майдонга чиқиб дер: «Гар келса хатар,  
Жанг қилурмен шерми, девми, ё аждар!»  
Кичик ўғил етиб келиб ёнига,  
Оро кирмоқ бўлиб унинг жонига  
Аждаҳони кўриб, деди: «Қайт, зинҳор  
Шер йўлини тўсма, ўлурсан бекор.  
Фаридун шоҳ номи агар қулоққа  
Етган бўлса, урма ўзинг буёққа.  
Унинг фарзандлари биз учала шер,  
Жангда гурзи билан донг таратган эр.  
Йўлдан чекинмасанг бошингга бало,  
Кўйгум шармандалик тожин аввало».  
Хушбахт шоҳ бу ишни билиб ғаройиб,  
Шу ондаёқ бўлди назардан ғойиб.  
Сўнгра кутиб чиқди ота улуғвор,  
Одатга мувофиқ, шодон беғубор.  
Жанговар филларда ноғора қоқиб,  
Хўкизбошли гурзи қўлида балқиб,  
Лашкарбошилари ўнгу сўлида,  
Жаҳон покланганди унинг қўлида.  
Оталарни кўриб ҳар уч шаҳзода,  
Отдан ирғиб тушиб, бўлди пиёда.  
Бориб оталари изин ўпдилар,  
Фил товуши қилар қулоқларни кар.

Эркалар қўлларин олиб отаси,  
Яна кўтарилди ногора саси.  
Саройга келишгач, хушбахт Фаридун,  
Яздонга шукрона келтирар беун.  
Сўнгра ўғилларин чорлаб хушчирой,  
Тахт ўнгу сўлидан кўрсатибоқ жой,  
Деди кўрганингиз ўшал аждаҳо,  
Домига оламни тортган ул бало,  
Мен отангиз эдим, сизни синовдан  
Ўтказдиму қайтдим хуррам бу овдан.  
Ўнди сизларга ном танладим бир-бир,  
Қимда ақл бўлса шу тўғри тадбир.  
Сен энг катта ўғлим Салм бўлсин номинг,  
Дунёда олийлик бўлғувси коминг.  
Саломат қутулдинг наҳанг оғзидан,  
Қочишни ҳақ билдинг бало бўғзидан.  
Филу шер хатарин билмаса бир-бир,  
Уни девона де, дема баҳодир.  
Ўртанча бошданоқ тезлик кўрсатти,  
Оловдек ловуллаб ёвни ўртатти.  
Уни Тур деяйлик мардона, шердил,  
Уруш филидан ҳам жанговор, дадил.  
Дадиллик хислати йнгитга даркор,  
Юраксиз бўлолмас тахтга сазовор.  
Кичигимда ақл, дадиллик боҳам,  
Баҳодир доно, ҳамкору ҳотам.  
Ота шу тупроқдан танлар ўрта йўл,  
Хушёрлар иши шу, ақл келар қўл.  
Ёш бўлса-да хушёр, дилда шижоат,  
Дунёда топажак ул шону шуҳрат.  
Эраж деб атайлик уни бул куни,  
Улуғлик насибдир унга бир куни.  
Чунки бу шонли эр мардлик кўрсатар  
Жангда донолару шер диллар ютар.  
Сўнг Фаридун араб қизларга қараб,  
Шундай сўзлар деди шодон очиб лаб.

Салмнинг қайлиги Орзу, моҳзода,  
Тур қайлигин номи бўлсин Озода.  
Эражнинг некқадам қайлигин оти,  
Сахий, Сухайилдан ўтар шуҳрати.  
Сўнг юлдузлар фолин келтиринг деди,  
Уни мунажжимлар тузушган эди.  
Шунда келтирилди самовий жадвал,  
Салм жадвалига кўз ташлаб аввал,  
Кўрдиким, безавол чизилмиш бари,  
Камон туркумига кирмиш муштарий.  
Сўнг бахтли баҳодир Тур фолин кўрди,  
Шер туркуми қуёш жамолин кўрди.  
Сўнг Эраж толеин синамоқ бўлди.  
Ақраб туркумида ой ҳусни тўлди.  
Юлдуз шоҳидлиги этарди аён,  
Эраж ҳаётида кўпдир ғалаён.  
Бу ғаму андуҳдан хабар топган шоҳ,  
Жигардан чиқариб чекди совуқ оҳ.  
Эражга нотинчлик ҳозирлар фалак,  
Ундан меҳрибонлик кўринмас андак.  
Фалакдан яхшилиқ кўрмас пок ўғил,  
Ёвузлик ёғилур бошига нуқул.

### ФАРИДУН ДУНЕНИ ЎЗ ЎҒИЛЛАРИГА БЎЛИБ БЕРГАНИ

Мунажжим фолини беркитиб шул кун,  
Жаҳонни уч тақсим қилди Фаридун:  
Бири Руму Машриқ бири Турку Чин,  
Учинчи Гурд-дашти ва Эронзамин.  
Биринчи қисмни Салмга берди,  
«Барча Руму Машриқ сеники», дерди.  
Амр этди, лашкар-ла ул томон юрсин,  
От чопдириб Ховарзаминга кирсин.  
Қаёний тахтига ўлтирган они,  
Уни атасинлар Машриқ султони.

Турга тортиқ этган ер Туронзамин,  
Уни сарвар билди бутун турку чин.  
Унга ҳам тўп лашкар ажратди подшо,  
Тур йўлга равона бўлди кўп ризо.  
Улуғлар тахтига ўлтирди бул ҳам,  
Инъомлар тарқатди, бел боғлаб маҳкам.  
Улуғлар бошидан сочишди гавҳар,  
«Туроншоҳ» дейишар барча баробар.  
Энди келган эди Эражга навбат,  
Эронзамин тегди унга оқибат.  
Яна Найзадорлар дашти ва божи,  
Ҳам шоҳлик тахти, ҳам шаҳаншоҳ тожи.  
Тожу тахт, бахтига кўриб сазовор,  
Унга берди барин бир-бир жаҳондор.  
Бахтиёру хушхулқ эроний эрлар,  
Эражни Эроннинг подшоҳи дерлар.  
Шундай ўлтирдилар тахтга уч шаҳзод,  
Уч улуғвор насл, уч бахтли авлод.

### САЛМНИНГ ЭРАЖГА ҲАСАД ҚИЛГАНИ

Кўп замон, кўп кунлар ўтди бирма-бир,  
Замона дилида сақланар кўп сир.  
Кексайди Фаридун ул фарзона мард,  
Ҳаёт баҳорига энди қўнмиш гард.  
Чоллар ичра доим бор шундай суҳбат:  
Қарилик — заифлик, кетар куч-қувват,  
Ҳукмдор юлдузи хира безиё,  
Уғиллари аро бошланди риё.  
Салм юрагида қўзғалди фитна,  
Одат анъанадан тойилди гушна.  
Дилида аланга олиб кек, ҳасад,  
Вазир билан суҳбат қуларди муртад.  
«Отам қилгон иши дурустмас, дерди,  
Олтин тахтга кичик ўғил ўлтирди».



Қовоқлари солиқ, юзларда ажин,  
Чинга хат йўллади юрак тўла кин.  
Мактубга битдириб дилида не бор,  
Йўрға тевааларда жўнатди ғаддор.  
Укасига шундай ёзганди пайғом:  
«Юракда шодлигинг бўлсин бардавом.  
Эй турку чин шоҳи, билиб қўй шуни,  
Отамиз адлдан юз бурган куни,  
Дилин тубанликка этган эди банд,  
Қоматда бўлса ҳам сарвдек баланд.  
Ҳикоя қилайин, эшит қандай иш,  
Тарихда бўлмаган бундай паст қилмиш.  
Уч фарзанд эдик-ку биз тахтга безак,  
Кичик ўғил бўлди тахтга эгизак.  
Ёшим улуғ менинг ақлу дин ҳамроҳ,  
Мен бўлишим керак асли шаҳаншоҳ.  
Мендан ўтса сенга тожу тахт осон,  
Тегмоғи лозим, эй Чинда чин ҳоқон.  
Отамиздан етса шунчалик ситам,  
Жону танда нечук қолғайдир чидам.  
Найзадорлар дашти Эрону Яман,  
Эраж мулки бўлса қандай чидай ман.  
Руму Машриқ менга, сенга эрса Чин,  
Энг кичигимизга ул Эронзамин.  
Бундай бахшойишга биз рози эмас,  
Отамизнинг боши тўла хору хас».  
Тевада чопари олиб Чинга йўл,  
Туроншоҳга етди йўллар босиб мўл.  
Пасту баланд гапни келтириб ёдга  
Миясиз Тур бошин тўлдирди бодга.  
Бу гапни эшитиб Тур паҳлавон шоҳ,  
Ярадор йўлбарсдек тўлғонди ногоҳ.  
Чопарга дедиким, «сўзим уқиб ол,  
Барини бирма-бир шоҳга айтиб сол.  
Ёшлик чоғимизда бизга отамиз,  
Фириб берган экан билмабмиз-да биз.

Бул дарахтни ўзи экмиш Фаридун,  
Барглари заҳару мева берар хун,  
Сўзни поёнига етказмоқ учун,  
Юзма-юз учрашмоқ лозимдир бир кун.  
Лашкар тузмоқ керак, яхшилаб ўйлаб»,  
Дея бу ҳам чопар жўнатди дастлаб. .  
Сўзга чечан, доно иш кўрган аён,  
Подшо ҳузурига жўнади чаққон.  
Салм ҳузурида бошлади калом,  
«Эй, ҳушёр покдил шоҳ, эй покиза ном,  
Бундай фирибгарлик чиқмагай ёддан,  
Биз бўлсак мардона ҳушёр аждоддан.  
Бу ишда кечикмоқ келишмас мардга,  
Бепарволик яна дард қўшар дардга».  
Чопар олиб келгач бундайин жавоб,  
Очилди бу сирнинг юзидан ниқоб.  
Румдан биродару Чиндан биродар,  
Келишиб, асалга қотдилар заҳар.  
Бир-бирин қучдилар кўришиб дийдор,  
Бирга курашмоққа этдилар қарор.

### САЛМ ВА ТУРНИНГ ФАРИДУНГА ПАЙҒОМ ЮБОРГАНИ

Бир муъбад топишди суҳандон сезгир,  
Узоқни кўрувчи, эси бут, ёдгир.  
Бегонадан жойни этдилар хилват,  
Аста сирни очиб, бошланди суҳбат.  
Аввалига Салм сўзни бошлади,  
Ибони юзидан ювиб ташлади.  
Чопарга дер: «Учиб боргил ўқ мисол,  
Сенга етолмасин ҳаттоки шамол.  
Фаридун ёнига етиб боргил зуд,  
Ҳеч ерда тўхталма, йўл бос мисли дуд.  
Подшо саройига етишсанг соғлом,  
Ҳар икки ўғлидан топшириб салом.

Сўнг унга дегил: «Эй, худо беҳабар,  
Сени ҳам дунёнинг ваҳмаси босар.  
Кексалikka умид боғлар ёш кўнгил,  
Оқарган соч қайта қораймагай, бил.  
Нечун бу тор уйда ивирсиб қолдинг,  
Бу ерда сиқилиб, ҳоридинг, толдинг.  
Пок яздон жаҳонни сенга бахш этди,  
Ҳукминг қаро ердан қуёшга етди.  
Кўнглингга келганин айладинг қонун,  
Пок яздон фармонин унутиб бутун.  
Эгриликка мойил сен қилган ҳар иш,  
Тўғри бўлмади-ку ҳатто бахшойиш.  
Учта фарзандинг бор оқил, паҳлавон.  
Қатта, кичигини қилдинг имтиҳон.  
Кичикда кўрмадинг ортиқча ҳунар,  
Биздан ортиқ ундан нима ҳам унар?!  
Бирини аждаҳо домига отдинг,  
Бирини туманли юртга йўқотдинг.  
Бири бошда тожи қошингда сенинг,  
Унинг муҳаббати бошингда сенинг.  
Отамиз бошқами? Бизга муносиб  
Тахтинг нечун бизга этмади насиб?!  
Дод, дастингдан дод, адолатли шоҳ,  
Раҳмат эшитмассан бу ишдан, э воҳ.  
Ё тожни оласен, «бебаҳо» бошдан,  
Жаҳон халос бўлур ундай бевошдан.  
Жаҳондан бир бурчак бахш эт унга ҳам,  
Бизлардек ўтирсин юракда алам.  
Бўлмаса Турону, Хитой лашкари,  
Рум паҳлавонлари баҳодирлари,  
Босиб боражаклар Эронга тикка,  
Тахту тожин гарди чиқажак кўкка».  
Қўпол сўзни муъбад эшитган замон,  
Қайтиб ўз йўлига бўлади равон.  
Узангига оёқ қўйди ул дарров,  
Тез шамолдан сапчиб кетгандек олов.

Фаридун шаҳрига етиб келаркан,  
Саройин узоқдан кўриб берди тан.  
Тоғдан то тоққача заминига банд  
Саройининг боши булутдан баланд.  
Остонада қатор мардоналари,  
Парда орқасида озодалари.  
Гушна йўлбарслари, шерлар бир томон,  
Жанговар йиллардек эрлар бир томон.  
Оламни ларзага солибон тикка,  
Ботирлар наъраси чирмашар кўкка.  
Осмон гумбазидек кўринди сарой,  
Паҳлавонлар соқчи бўлиб турган жой.  
Бедор соқчилардан бири шул замон,  
Шаҳриёрга хабар етказди чаққон.  
Деди: «Шоҳни йўқлаб келмиш бир чопар,  
Салобат, шавкатли сўзи мўътабар.  
Амр этди: «Кўтаринг пардани», дея,  
«Ҳузуримга чорланг сиз ани!», дея.  
Фаридунга кўзи тушиши билан,  
Мафтун бўлди унга жони дилидан.  
Қадди баланд сарву рухсори офтоб,  
Ёноқлар қизил гул, соч кофур ҳисоб.  
Лабларда табассум, юзларда ҳаё,  
Каёний мазмун бор ҳар сўзда ибо.  
Чопар қўйиб унинг пойига бошин  
Ер ўпиб, оқизди кўздан меҳр ёшин.  
Фаридун ҳам туруб, келиб хушчиroy,  
Чопарга кўрсатди мўътабар бир жой.  
Ўғиллар аҳволин сўради аввал,  
Дурустмилар, деди, саломат тугал.  
Сўнг деди: «Юрибсан бундай узоқ йўл,  
Неча пасту баланд, неча дарё, кўл...»  
Чопар деди: «Эй шоҳ, эй покиза зот,  
Сенсиз бирор тож-тахт бўлмасин обод!  
Номингни тилидан қўймайди башар,  
Коминг билан барча покиза яшар.

Мен ҳам шоҳимга бир арзимас банда,  
Заифу нотабон, хору афканда.  
Сенга хунук пайғом келтирдим, эй шоҳ,  
Юборганлардадир, мендамас гуноҳ.  
Нонкўр ўғилларинг юбормиш пайғом,  
Рухсат берсанг айтай, хулласи калом.  
Шавкатли шоҳ унга деди: «Бирма-бир,  
Сўзларин ёд айла, барчасин гапир».

### ФАРИДУННИНГ УҒИЛЛАРИГА ЖАВОБ ЮБОРГАНИ

Шоҳ чопар сўзига соларкан қулоқ,  
Тинглагани сайин куярди димоғ.  
Сўз тинглаб чопарга деди: «Эй хушёр,  
Кечирим сўрамоқ сенга не даркор.  
Бу ёмон хабарни кутардим ўзим,  
Шундай бўлишига етарди кўзим.  
Бориб айтгил нопок икки ўғилга,  
Ушал эшак мия аҳриман қулга.  
Букун ўз аслингиз қилибсиз ошкор,  
Сиздан кутмагандим ўзга иш, зинҳор.  
Юқмаган бўлса гар панд-насиҳатим,  
Узингизда ақл йўқми бир қатим.  
На худодан қўрқув, на ору номус,  
Фитнадан ўзга ўй йўқ сизда, афсус,  
Илгари сочларим қоп-қора қатрон,  
Юзим ой, қоматим бир сарви равон,  
Менинг қоматимни дол қилган фалак,  
Ҳали ҳам айланур, тўхтамас андак.  
Сизнинг қаддингиз ҳам эгар бу замон,  
Айланишин давом этдирар осмон.  
Парвардигор ҳаққи, самовот ҳаққи,  
Қуёш, ер яратган тоза зот ҳаққи.  
Тахту тожим ҳаққи, юлдуз, ой гувоҳ  
Ташламадим сизга ҳеч ёмон нигоҳ.

Юлдузшунослару, муъбадларни ман,  
Доноларни йиғиб туздим анжуман,  
Адолат-ла учга бўлинди жаҳон,  
Мана ўтиб кетди бундан кўп замон.  
Фақат ростлик бўлди менинг қилмишим,  
Эгриликдан қочиб бўлди-ку ишим. .  
Ёвузликдан қўрқув дилимда ниҳон.  
Қидирганим бўлди тўғрилиқ ҳар он.  
Дунё менинг тахтим этганда обод,  
Парокандаликни айламадим ёд.  
Уч ўғлимга бўлиб бердим жаҳонни,  
Уч улусга бўлдим бир гулистонни.  
Букун дилингизни эгрилик олган,  
Сизни тўғри йўлдан урган аҳриман.  
Охири кўрарсиз, ношукур ўғил,  
Бу ишлар яздонга тушарми маъқул.  
Мақол бор унутган бўлсангиз агар  
Эслатай: «Ҳар киши экканин ўрар!»  
Яна бир сўз бордир айтилмиш доно:  
«Абадий жойимиз ўзга бир дунё!»  
Озодавор олиб тахт устидан жой,  
Печук сизларга дев бўлди раҳнамой.  
Қўрқамен иш кўриб, бу аҳримандан,  
Руҳингиз маҳв ўлур охири тандан.  
Менинг бу дунёдан кўз юмар чоғим,  
Яхшимас ғазабдан сўнса чироғим».  
Уч ўғил отаси кекса донишманд,  
Шундай деяр эди райи хўп баланд:  
«Ҳирс ўтини дилдан қувсанг, биродар,  
Подшо ғазнаси-ю, тупроқ баробар.  
Ким ўз биродарин тупроққа сотди,—  
Оқ падар бўлди у, гуноҳга ботди.  
Дунё сиздекни кўп кўрган, кўражак,  
Аммо ҳеч кимсага ром бўлмас андак.  
Яздон ҳузурига борарсиз охир,  
Қилмиш ҳисобини берарсиз бир-бир.

Яхшилик юкини элитган одам,  
У дунё азобин кам кўради, кам».  
Чопар диққат билан тинглаб сўзини,  
Ер ўпиб Туронга бурди юзини.  
Кўздан ғойиб бўлди шу заҳотиёқ,  
Отин қувар эди, шамолдан тезроқ.  
Чопар кетгандан сўнг кўздан йўқолиб,  
Подшоҳ бир гапни кўнглига олиб,  
Азиз фарзандини ёнга чорлаб боз,  
Ҳамма гапни бир-бир айтди, очиб роз.  
Деди: «Оғаларинг қидириб уруш,  
Машриқдан буёққа қилмоқчи юруш.  
Шундай феълу атвор бермишдир осмон,  
Фақат ёвузликдан бўлишар шодон.  
Яна юртларининг асли карахтлик,  
Унда ёлғон-яшиқ, унда бадбахтлик.  
Бундай оға-ини сенга биродар,  
Бўлар то бошингда тож бўлса агар.  
Сарғайиб сўлисанг, бахтинг тескари,  
Ҳеч бири келмайди болишинг сари.  
Гар қилич остида бўйин эгсанг ювош,  
Адовот тиғидан кесилажак бош.  
Икки ёқдан чиқиб бу икки фарзанд,  
Ниҳон тил биркитиб бермакчилар панд.  
Бошинг омон экан, сенам ишга туш,  
Хазинагни очу бошлагил юруш.  
Косага қўлинг чўз, бор экан бошинг,  
Йўқса ғаним еяр худойи ошинг.  
Дунёдан қидирма ўзга дўсту ёр,  
Адолатдан яхши дунёда не бор?»  
Меҳрибон отага ташлабон назар  
Донишманд алп Эраж шундай сўз бошлар:  
Дер: «Эй кўпни кўрган доно шаҳриёр,  
Кўр, нечук айланар чархи кажрафтор.  
Бари ўтиб кетар, ўтар мисли бод,  
Донолар гам чекмас, қўймас эътиқод.

Сўлгунлик кашф этар аргувон дийдор,  
Хиралашар равшан чеҳраин гулнор.  
Аввал роҳат кўрсанг ҳам охири вой,  
Сўнг сабил қолур бу беш кунлик сарой.  
Болишинг икки ғишт, тўшагинг тупроқ,  
Нима даркор бундай кўчатни эсмоқ?  
Унинг илдизлари қон ичса фақат,  
Беражак меваси бўлса адоват.  
Оламга биз каби тождор, узукдор,  
Кўп келган, яна ҳам келажак бисёр.  
Биздан олдин ўтган шаҳзодлар аро,  
Адоват бўлмаган эди мутлақо.  
Шоҳ рухсат этсалар менга бул замон,  
Қадимий расми бузмай бирор он,  
Сипоҳсиз борайин улар қошига,  
Керак бўлса тожим қўяй бошига.  
Уларга деяини султонларимсиз,  
Сиз энг яқинларим, тан-жонларимсиз.  
Ғазабдан тушингиз, қилманг адоват,  
Адоват эмас-ку, бизнинг дин-одат.  
Беш кунлик дунёга ишонманг ҳечам,  
Жамшидга не кунлар солди бу олам.  
Охир бошини эгиб, дунёдан бадар,  
Кетди, на тахт қолди, на тожу камар.  
Бизнинг иш ҳам шундай топажак анжом,  
Бизга ҳам ичирар фалак шундай жом.  
Қилганимдан кўра адоват, қиргин,  
Инсофга келтирсам яхшимасмикин?»  
Шоҳ деди: «Эй ўғлим, эй тилаги хуш,  
Сенда тинчлик ҳисси, уларда уруш.  
Бир ҳақиқат унди сўзингни тинглаб,  
Тўлин ой нур сочса эмасдир ажаб.  
Сендек оқил шундай берадир жавоб,  
Акаларга меҳринг мисоли офтоб.  
Ва лекин бебаҳо жонини рўдапо  
Аждаҳо оғзига ташларми доно?



Қисмати бўлмасин жон ўртар заҳр,  
Қадимдан дуйёнинг иши шул ахир.  
Агарда мақсадинг бўлмаса мубҳам,  
Уйингдан чиқмоққа бел боғла маҳкам.  
Сипоҳдан танлаб ол неча паҳлавон,  
Сенинг билан йўлга чиқсин шул замон.  
Бир нома ёзайин дил дардин уйиб,  
Уларга элтасен шамолни қувиб.  
Яна қайта кўрсам сени соғлом тан,  
Дийдорингдан дилим бўлади равшан».

### ЭРАЖНИНГ БИРОДАРЛАРИ ҚОШИҒА БОРГАНИ

Фарзандларга ёзди хат олампаноҳ,  
Бири Чинга ҳоким, бири Шарққа шоҳ.  
Хат бошида ҳаққа ёзди ҳамд-сано,  
Фақат ул абадий, бир ўзи танҳо.  
Сўнг деди: «Бу номам насиҳату панд,  
Сиз икки қуёшга авжи кўп баланд.  
Икки жанговар шоҳ, икки шердилга,  
Чин, Машириқ эгаси икки қобилга.  
Жаҳон паст-баландин кўрган бир шердан,  
Ошқору ниҳонин билган бир эрдан.  
Гурзиси ундирган ўлкалар божин,  
Номи зийнатлаган жаҳон тахт-тожин.  
Еруғ кунни қаро қилган кишидан,  
Орзулар калидин билган кишидан.  
Унга енгил кўчди жафолар букун,  
Равшанлик касб этди қаролар бутун.  
Энди истамасмен мен тож ўзимга,  
На тахту на бойлик, на бож ўзимга.  
Уч фарзанд яшаса иттифоқ ҳар дам,  
Отангиз ҳам бўлур доим хотиржам.  
Укангиздан етган эмиш дилга дард,  
Ҳеч ким хотирига ундан юқмас гард.

Кетди койишингиз эшитмоқ бўлиб,  
Кўришмоқ орзуси дилига тўлиб.  
Шоҳликдан сизларни кўрди ул афзал,  
Мардлар иши шундай бўлади ҳар гал.  
Тахтни ташлаб чиқиб эгарга минди,  
Қуллуққа бел боғлаб, сизга талпинди.  
У сиздан кичикроқ бўлгани учун,  
Шафқатга муҳтождир ҳаммадан бурун.  
Хуш кутсангиз ошар менинг меҳрим ҳам,  
Отангизман, мени шод этинг бул дам.  
Бир неча кун қилиб навозиш, иззат,  
Сўнгра узатурсиз сиҳат-саломат».  
Мактуб муҳрланди бир неча жойдан,  
Эраж йўлга тушди чиқиб саройдан.  
Атрофда бир гуруҳ борар кекса-ёш,  
Қийин йўлда унга вафодор йўлдош.  
Акаларга яқин келди лутфкор,  
Билмас эди қаро дилларда не бор.  
Ҳар томонни отлиқ қўшуни тутиб,  
Таомилга кўра чиқишди кутиб.  
Акалар дийдорин кўриб шод кулди,  
Улар ҳам кулмакка бир илож қилди.  
Учрашди бир яхши, икки жанжалкаш,  
Ночор сўрашишди, кўнгиллари ғаш.  
Бир дилда муҳаббат, иккисида дов,  
Чодир ичра кириб кетишди учов.  
Эражга тикилар қўшун таппа-тахт,  
«Мана шунга лойиқ,— деяр — тожу тахт».  
Унинг чеҳрасига боққани сари,  
Меҳрига тўларди барин диллари.  
Сипоҳ жуфт-жуфт тарқаб кетди сафидан,  
Тиллари бўшамас Эраж васфидан.  
Дердилар: «Мана шу тахтга сазовор,  
Шундайларни тахтга миндирмоқ даркор».  
Салм аста лашкарга ташлабон нигоҳ,  
Бундай ҳолни кўриб дилдан чекди оҳ.

Чодирга кираркан дилида кийна,  
Дили, жигари хун, чок эди сийна.  
Чодирдан чиқарди кимки, бегона,  
Тур билан иккови қолди ягона.  
Суҳбат ҳар соҳадан, ҳар ердан кетди,  
Тож-тахтдан бошланиб, кишварга етди.  
Сўз ораси Турга Салм дер шундай,  
«Аскарлар кўзида Эраж нақ кундай.  
Эраждан шундоқ ҳам дилим эди қон,  
Энди гумонларим устига гумон.  
Қарасам сен, менга тегишли сипоҳ,  
Ундан ўзгани ҳеч демайдилар шоҳ.  
Унинг илдизини қирқмасанг ҳозир,  
Баланд тахтдан учиб тушасан охир...»  
Шундай деб, жойидан қўзғалди беор,  
Тонггача тўлғониб чиқишди бедор.

## ЭРАЖНИНГ АКАЛАРИ ҚЎЛИДАН УЛИМ ТОПГАНИ

Эрта пардасидан чиққанда офтоб  
Тонг отди, оламдан кўтарилди хоб.  
Ёмонлиқ истаган икки биродар,  
Дилдан шарму ҳаё қувилмиш бадар.  
Иккови уйқудан тургани замон,  
Йўл олишди Эраж чодир томон.  
Эраж пешвоз чиқди, кўрсатиб иззат,  
Кўзларида меҳр, дилда муҳаббат.  
Киришди чодирга қўшилиб учов,  
Акалари бирдан бошлаб кетди дов.  
Тур гап бошлаб деди: «Сен биздан кичик,  
Улуғлик тожини кийибсен нечук?!  
Сенга Эрон тахти, шуҳрат иззати,  
Бизнинг зиммамизда Турон хизмати.  
Катта аканггачи Машриқ ер раижи.  
Сенга эрон тожи, бойлиги, ганжи.

Жаҳонгир отамиз не қилмиш савғо,  
Барн кенжасига, бизларга ғавғо!»  
Турдан бундай сўзни эшитиб Эраж,  
Дилдан сўз бошлади покиза маҳраж.  
Деди: «Эй шуҳратни излаган катта,  
Жим бўл, дилинг топар комин албатта.  
Букун тожу тахтга хоҳишим йўқдир,  
Аскарлари билан ҳам ишим йўқдир.  
Керакмас на Эрон, на Машриқ, па Чин,  
На шоҳлик таралган бу рўи замин.  
Охири хунуклик бўлса улуғлиқ,  
Ундай шон-шуҳратдан кўзда ёш лиқ-лиқ.  
Отинг эгари гар осмон баробар,  
Охир бир гишт ёстуқ бўлар, биродар.  
Мен Эрон тахтига оёгим қўйдим,  
Букун тожидану тахтидан тўйдим.  
Сизга бердим тожу, нигину тахтин,  
Адоват қўзғатманг, лойқатманг бахтим.  
Сиз билан қилмасмен асло дову жанг,  
Юқтирмоқ бўлмангиз соф дилимга чанг.  
Бир дам озорингиз истамас кўнгил,  
Барин бериб, узоқ кетайин енгил.  
Кичиклар одобни одатим менинг,  
Фақат инсончилик хилқатим менинг».  
Бу сўзни эшитди Тур бошдан-оёқ  
Аммо мағзига ҳеч солмади қулоқ.  
На Эраж сўзига қилди у писанд,  
На тинчлик йўлига дилин этди банд.  
Жаҳл билан ўзин ҳар томон урди,  
Нелар деб бақриб ўрнидан турди.  
Сўнг оғир курсини кўтариб чаптаст,  
Эраж томон юрди жаҳолатдан маст.  
Тушурди тождор шоҳнинг бошига,  
Ул зорланиб деди ака қошида:  
«Худодан қўрқмасанг, отадан уял,  
Барчамизга борку охири ажал!

Мени ўлдирмакка кўтарма шамшир,  
Менинг қоним сени тутажак охир!  
«Хўп» дегил, маломат сўзларга қолма,  
Ўзинг жондор, ўзга жонини олма.  
Юккаш чумолига бермагил озор,  
Жон ширин, унинг ҳам ширин жони бор.  
Қотилим бўлмагил сўзимга ишон,  
Бундан сўнг топмассан мендан ҳеч нишон.  
Жаҳонда топармен бирор тинч бурчак,  
Яшармен меҳнат-ла топибон емак.  
Ўз уканг қонига ташналик нечун,  
Пир отанг дилига гушналик нечун?!  
Дунёни истадинг, топдинг, тўкма қон,  
Ношукур бўлмагил, не деяр яздон?»  
Сўзларин эшитиб бермади жавоб,  
Дилида зардобу, бошида сароб.  
Қинидан чиқарди заҳролуд ханжар,  
Қонли кафан ичра қолди биродар.  
Тур қутурди қўлда ўткир ханжари,  
Тилинди шаҳзода кўкси, жигари.  
Оёқдан қулади ул сарви қомат,  
Қонига беланди шоҳона келбат.  
Арғувон чеҳрага оқди қизил қон,  
Шундай ёш шаҳриёр таслим этди жон.  
Филдек танасидан тождор бошини,  
Жудо этди, қонга белаб лошини.  
Эй жаҳон, қўйнингда этиб тарбият,  
Охири бермадинг унга орият.  
Билмадик пинҳона дўстинг ким экан,  
Ошкор ишларингдан қалбларда тикан.  
Сен ҳам эй, ҳирсидан икки кўзи кўр,  
Сен ҳам эй, дунё деб дили, ўзи кўр,  
Адоват қиличин тутма, яхши боқ,  
Бу икки золимдан сабоқ ол, сабоқ!..  
Мушку анбар сепиб Эраж бошига,  
Юборди жаҳонбахш ота қошига.

Деди: «Мана ўшал диловар калла,  
Аждодлар тожига сазовор калла.  
Энди хоҳ тож кийдир, хоҳи бергил тахт,  
Кетди соя солган каёний дарахт».  
Сўнг жўнаб кетишди икки шум ўғлон:  
Бири Чин томонга, бири Рум томон.

## ФАРИДУННИНГ ЭРАЖ ЎЛИМИДАН ХАБАР ТОПГАНИ

Фаридун туну кун йўлга кўз тутар,  
Сипоҳу тожу тахт шоҳини кутар.  
Қайтиш вақти етди, ота бечора,  
Не ишлар кечганин билмай оввора!  
Тахтига феруза безаклар қилди,  
Тожига гавҳари ноёблар илди.  
Ҳамма нарса тайёр шоҳни кутишга,  
Маю, чолғучилар ҳозир юмушга.  
Ноғора, довуллар филлар устида,  
Зийнату байроқлар кишвар устида.  
Шоҳу сипоҳ шундай оввора замон,  
Йўл узра узоқдан кўринди тўзон.  
Бир туя кўринди тўзон ичидан,  
Устидаги дардли суворий билан.  
Ундан кўтарилди мотамли нола,  
Кетидан келарди бир тобут — калла.  
Зар тобут ичида болиши парқу,  
Эраж боши келур кўзларда уйқу.  
Чопар юзи сўлгин, тилда оҳу-вой,  
Фаридун наздига келиб, олди жой.  
Зар қути қопқоғин очишди аста,  
Не деганин билмас эди дилхаста.  
Қутидан пар ёстиқ чиқарилган он,  
Эраж шоҳ калласи бўлди намоён.  
Фаридун отидан учди беидрок,  
Сипоҳ бошдан-оёқ этди ёқа чок.  
Руҳлари сўлғуну тиллар бесадо,

Умидлар ўзгача эди мутлақо.  
Шундай қайтиб келди узоқ йўлдан шоҳ,  
Қўшун шундай кутди, дилда нола-оҳ.  
Байроқлар йиртилди, ноғоралар жим,  
Баҳодирлар юзи қопқора қурум.  
Саркардаю аскар борар пиёда,  
Юзу кўзи тупроқ, ҳорғин, афтода.  
Нолишар паҳлавон юзлаб, минглаб мард,  
Дилидан ингратар барчасин бу дард.  
Фалакка ишонма, ишлари алдам  
Тўғри бўлмас эгик бу камон ҳечам.  
Фалак бизга шундай кўрсатар ҳунар,  
Кулиб туриб тандан жонингни олар.  
Душман гумон қилсанг, ичирар тузин,  
Дўстинг ҳисоб этсанг, ўгирар юзин.  
Яхши ёдлаб олгил, берай бир ўгут:  
«Бу дунё меҳридан дилинг холи тут».  
Шоҳ тилида нола, сипоҳ кўкси доғ,  
Эражнинг боғига кирдилар шу чоғ.  
Шоҳона базмлар бўларди шунда,  
Базм жойи эди бу ер кун-тунда.  
Фаридун кўзидан тиёлмай ёшип,  
Қучоқлаб келарди шаҳзода бошин.  
Шаҳаншоҳ тахтига ташлади нигоҳ,  
Қаро гўр кўринди қуруқ тахт бешоҳ.  
Шоҳона ҳовуз, сарв барчаси мудҳиш,  
Терак, тол, беҳию ўт-ўлан, қамиш.  
Қаро тупроқ сочиб сарой, айвонга.  
Фигон кўтардилар, етди кайвонга.  
Ота нола чекиб сочларин юлди,  
Юзларини тирнаб қип-қизил қилди.  
Белига чирмади хунин бир зуннор,  
Саройин ўт қўйиб ёндирди якбор.  
Гулзорин юлдирди, сарвларин ёқди,  
Жаҳонга абадий ғам билан боқди.  
Эражи бошини қўйнига солиб,

Тақдирдан не келса, бошига олиб,  
Дод солиб дер эди: «Эй одил халлоқ,  
Бегуноҳ кесилган бу бошга бир боқ!  
Ҳузуримга йўллаб кесилган бошин,  
Ул ер қашқирлари едими лошин.  
Ул бедодлар дилин куйдир, раббано,  
Жаҳонда ёруғлик кўрмасин асло!  
Абадий ўт ила куйдир жигарин,  
Раҳми келсин ҳатто чўл ваҳшийларин!  
Эй, пок парвардигор, бор бир тилагим:  
Мақсадга етгунча урса юрагим,  
Эражим наслидан бирор баҳодир,  
Отаси қасдини олмоққа қодир.  
Бегуноҳ отаси бошичун вожиб,  
Номардлар бошини ташласа кесиб.  
Шул қасосни кўргач, майли бесадо,  
Қаро ер қўйнига танам бўлгай жо».  
Кўксидан кўкариб чиққунча гиёҳ,  
Зору зор, кўзлардан ёш тўкди эвоҳ!  
Заҳ ер тўшак бўлди, тупроқдан болиш,  
Қилар иши фақат жаҳондан нолиш.  
Эшикларни ёпиб, оғзини очиб,  
Айтиб-айтиб йиғлар дилдан ўт сочиб:  
«Тождорлардан ҳеч ким сендек ўлмаган,  
Ҳеч ботир тақдири сендек бўлмаган.  
Бошингни хор этиб кесди аҳраман,  
Тананг нопок шерлар айлади кафан».  
Кўз ёши, оҳу-воҳ, нолаю афғон,  
Оромин йўқотди ҳатто қуш, ҳайвон.  
Мамлакатда барча эркагу аёл,  
Тўпланиб қиларди шундан қилу қол.  
Барча кўзи ёшлиқ, барча дили хун,  
Дарду ғамда ўтар эрди туну кун.  
Кунлари зиёсиз, тунлари қаро  
Бундаин ҳаётдан ўлим кўп аъло.



## ЭРАЖДАН ҚИЗ ТУҒИЛГАНИ

Шу йўсун бир қанча вақт ўтди мўл,  
Эраж ҳарамига ота олди йўл.  
Шабистонни кезди Фаридун подшо,  
Унда канизаклар, кўп моҳилиқо.  
Кўринди бир гўзал чеҳра канизак,  
Исми Моҳофарид ками йўқ андак.  
Эраж ҳам севарди, у ҳам ёр эди,  
Тақдирда, Эраждан юки бор эди.  
Паризод қорнида боласи ниҳон,  
Бундан хурсанд бўлди ул шоҳи жаҳон.  
Гўзал каниз бўлди умидга асос,  
Набира туғилиб, олади қасос.  
Охир Моҳофарид ой куни етди,  
Бир қиз туғиб дилни чароғон этди.  
Яна шоҳ умиди чўзилди узоқ,  
Уни парваришлаб ўстирди бироқ.  
Ягона ўсди у бу мамлакатда,  
Покиза улғайди нозу неъматда.  
Лоларухли қизга разм солиб боқ,  
Эражнинг ўзийди ул бошдан-оёқ.  
Бўй ўсиб, тўй қилиш вақти етди ахир,  
Чеҳраси тўлун ой, сочлар қаро қир.  
Бобоси Пашангни атабон куёв,  
Неча вақт жим қолди, сўзломмас биров.  
Пашанг унга жиян, акасин ўғли,  
Қаёний зотидан, юраги чўғли.  
Ул Жамшид авлоди, енгилмас қўтос,  
Тожга ҳам, тахтга ҳам шунинг ўзи мос.  
Пашанга жуфт бўлди шоҳ набираси,  
Шундай ўтаверди кунлар сираси.

## МАНУЧЕҲРНИНГ ОНАДАН ТУҒИЛГАНИ

Тўққиз ой айлангач бу чархи кабуд,  
Ҳомила ой куни етиб бўлди бут.  
Туғилди бир ўғил гўзал онадан,  
Чеҳраси шоҳона, ўшал хонадан.  
Меҳрибон онадан айрилиш билан,  
Уни етказишди шоҳга дафъатан.  
Бобога дедилар: «Аё тождор,  
Нақ Эражнинг ўзи, кўз ташла бир бор».  
Жаҳонбахш лабида ўйнади кулгу,  
Эраж тирилгандек, унгандек орзу.  
Азиз чақалоқни бағрига олди,  
Ва худога нола қилиб, дод солди:  
— Қани энди менда кўз бўлса эди,  
Қани бунинг юзин кўролсам,— деди.  
Яздон номин олиб қилди илтижо  
Кўзига нур берди, лутф этиб худо.  
Фаридунга жаҳон бўлгач жилвагар,  
Чақалоқ юзига ташлади назар.  
Деди: «Умримиз бахт иқболга тўлсин,  
Қим ёмонлиқ истар, дили қон бўлсин!»  
Тиниқ май келтирди, тўлди лаълини жом,  
Манучеҳр қўйди чақалоққа ном.  
Деди: «Пок онаю, ота покиза,  
Покиза бир шоҳдан бердилар мева».  
Чақалоққа кўрмай шамолни раво,  
Парвариш қилдилар қилиб жон фидо,  
Энага танлашди покиза этак,  
Оёғи тегмасди тупроққа андак.  
Болани шоҳига ўраб кўтарар,  
Оёғи остида мушк ила анбар.  
Шундай ўтаверди ойлар ва йиллар  
Чақалоқ улғайди кўрмай ҳеч зарар.  
Подшоларга лозим ҳунарни майин —

Бобоси ўргатиб борар тинмайин.  
Қачон кўзи очиқ, дил ҳушёр бўлди,  
Жаҳон ҳам унинг чун овозга тўлди.  
Бобоси заррин тож, гурзию қалқон,  
Унга тақдим этди найза-ю камон.  
Хазина калити, олтину гавҳар,  
Боболар тахти-ю, кўлоҳу камар.  
Йўлбарс терисидан шоҳона чодир,  
Чодир ичра базм қураб баҳодир.  
Арабий отларки, эгари заррин,  
Ҳиндий қиличларки, бари тилло қин.  
Қалқону дубулға, садоқ, совутлар,  
Хазинадап чиқди қанча бойлик, зар.  
Хаданг ўқларню, Чоч камонлари,  
Қалта пайзалару Чин қалқонлари.  
Бари ҳиммат билан йиғилган бойлик,  
Кўп йиллар йиғилган матолар боғлиқ.  
Ҳаммасини берди Манучеҳрга,  
Дили тўлиқ эрди ишқу меҳрга.  
Қўшуннинг паҳлавон номдорларига,  
Бутун мамлакатнинг донгдорларига,  
— Йиғилингиз,— деди, унинг ёнига,  
Оро киринг қасос деган жонига!  
Уни ўтказдилар тахти ожига,  
Зумрадлар сочишиб бошда тожига.  
Байрам куни бўлди, улуғ кун бўлди  
Қўй билан бўрилар дўстлуғ кун бўлди.  
Кова ўғли Қорам сипоҳдор шунда,  
Шеруядек ботир чин сардор шунда.  
Тигдорлар сарвари Гершасп баҳодир,  
Наримон ўғли Сом ҳар ишга қодир.  
Қубод ила Қашводки, олтин кўлоҳ,  
Яна қанча ботир, кўп олампаҳоҳ  
Қўшун тортиб олди юришга тайёр,  
Саф бошига чиқди шунда шаҳриёр.

Манучеҳрнинг Эрон тахтини эгаллаганидан хабар топган Салм ва Тур яна фириб ва найранг йўлига ўтиб, оталарига мактуб йўллайдилар. Жуда кўп совға-саломлар билан келган бу хатда ўтган қилмишлари учун кечирим сўрайдилар ва Манучеҳрни меҳмонга таклиф қиладилар. Манучеҳр етиб келсин — биз унга тобелик қасамёдини бажо келтирамиз, дейдилар.

Аmmo кекса Фаридун бунинг ҳам мунофиқлик эка-шиши тушунади. Уларга мактуб йўллаб, энди алдан-маслигини, бу гал мунофиқ қотилларнинг жазосини беришини айтади.

Шунда Салм ва Тур бутун Туронни оёққа кўтариб, қўшун йиғадилар. Уларни қуроллантириб, юрншга чи-қадилар ва Жайхун (Амударё)нинг жануб томонига ўтадилар.

Бундан хабар топган Фаридун Манучеҳрни Салм ва Турга қарши жаанга йўллайди.

## ФАРИДУННИНГ МАНУЧЕҲРНИ САЛМ ВА ТУРГА ҚАРШИ ЖАНГГА ЮБОРГАНИ

Донгдор Фаридунга хабар етишди:  
«Турондан Жайхунга лашкар етишди».  
Зуд фармон бердиким, Манучеҳр шоҳ,  
Саҳрога чиқориб, сафласин сипоҳ.  
Жаҳон кўрган подшо насиҳат-ла дер:  
«Яхши иш бошлаган чоғида ёш эр,  
Тикка тузоғига тушади қулон,  
Гўё овчи томон шер қувган қуён.  
Ақлли, чидамли бўлса агар эр,  
Тузоғига тушар ҳатто ваҳший шер.  
Пасткаш кишининг-чи ишлари ёмон,  
Фалак гардишидан тополмас омон.  
Шошган киши иши гўё жаҳолат,  
Қизиган темирга чанг солмоқ одат».

Манучеҳр деди: «Эй сарафроз шоҳ,  
Қайси баттол тортар сен томон сипоҳ?  
Магарким фалақдан етмаса ажал,  
Ё жонидан умид бўлгани маҳал?!  
Румий зириҳ билан қопланар таним,  
Ечмасмен то маҳв бўлмаса ганим.  
Ёвларингга шундай ташланай, падар,  
Сипоҳ чанги чиқар қуёшга қадар.  
Ул аскардан бирор чиқмас баҳодир,  
Менга тик келиб, жанг қилишга қодир».  
Яна буйруқ берди Қоран жанговор,  
Қўшунларин даштга сафласин қатор.  
Шоҳона чодир ҳам тикилди чўлга,  
Хумоюн байроқ ҳам олинди қўлга.  
Тўда-тўда аскар тушганда йўлга,  
Ларза тушди тоғ, чўл, дарё ва кўлга.  
Жаҳон қаро бўлди кўтарилди гард,  
Ҳатто қуёш ранги бўлди ложувард.  
Қўшун овозига тўлди ҳаммаёқ,  
Қар бўлиб қоларди нозикроқ қулоқ.  
Даштни тўлдирганди отлар кишнаши,  
Ундан ўтар довул, ноғора саси.  
Икки мил нарида саф тортиб ажаб,  
Жангчи филлар турар бўлиб икки саф.  
Олтмишин устида кажаваси зар,  
Уларда лиқ тўла марварид, гавҳар.  
Яна уч юзтасин турли юки бор,  
Яна уч юзтаси турар жанговор.  
Барининг устида зириҳи пўлат,  
Ҳаммаёғи бекик, кўз очиқ фақат.  
Шоҳона чодирни олиб ташқари,  
Даштга чиқиб келди Таммиш лашқари.  
Улар билан чиқди Қоран сипоҳдор,  
Уч юз минг суворий келишар қатор.  
Барчаси донгдору бари зириҳдор,  
Қўлида гурзиси оғир серзалвор.

Барчаси баҳодир, бари жангчи шер,  
Эраж қасосига бел боғлаган эр.  
Ҳилпирар музаффар Кова байроғи  
Йилтирар қуёшда найза яроғи.  
Манучеҳр ила филтанли Қоран,  
Норван тўқайдан чиқишар яктан.  
Ўзлари туришиб байроқ тагида,  
Лашкарни сафлашди дашт кўкрагида.  
Чап қанотни Гершасп айлади обод,  
Ўнг томонда Сому ёнида Қубод.  
Лашкар марказида борар Сарв шоҳ,  
Шунда Манучеҳр атрофда сипоҳ.  
Тўлун ойдек ёрқин, бақувват ва ёш,  
Ё чўққи ортидан кўринган қуёш.  
Қорандек қўмондон, Сомдек жанговор,  
Лашкар қиндан қилич чиқарди обдор.  
Айғоқчилар боши яна ул Қубод,  
Талеман ботири елар мисли бод.  
Бир қўшун ясатмиш мисоли келин,  
Қўзғолса синдирар ботирлар белин.  
Салм билан Турга етишди хабар,  
Эронийлар жангга ҳозир туришар.  
Тўқайдан чиқишиб чўлда чекиб саф,  
Қасос дер кичик ҳам аъёну ашраф.  
Икки қонхўр эса, чўнг аскар билан,  
Ёниб келишарди чин дилдан душман.  
Жанг майдони томон суришар аскар  
Алонону дарё орқада қолар.  
Айғоқчи бошида келаркан Қубод,  
Тур уни кўрибоқ келди мисли бод.  
Деди: «Манучеҳр ёнига бегоҳ,  
Бориб айтгил унга, эй отасиз шоҳ.  
Эраждан қиз бола туғилган танҳо,  
Сенга тожу тахтни ким этди совғо».  
Қубод дер: «Борамен, айтамен сўзинг,  
Шундай айтай, қандай дебсан сен ўзинг».

Ва лекин чуқурроқ ўйлаган соат,  
Дилинг ақл билан қилса маслаҳат,  
Тушунарсан ҳаддан ташқари бу гап,  
Бундай хом гапингдан қўпади ғазаб.  
Ҳолингизга маймун йиғласа додлаб,  
Ваҳшийлар ёш тўкса эмасдур ажаб.  
Норвон ўрмонидан то Чинга қадар,  
Епирилиб келар қасоскор лашкар.  
Найзалар кўкариб чиқса йилтираб,  
Қовиён байроқлар келса ҳилпираб,  
Дилингиз ёрилиб, бошдан учар ҳуш,  
Пасту баланд билмай қочарсиз хомуш».  
Шоҳ ёнига Қубод етиб келди зир,  
Эшитганин айтиб берди бирма-бир.  
Манучеҳр кулиб деди шул замон:  
«Бундай сўзни фақат айтади нодон.  
Икки жаҳон барпо қилганга шараф,  
Ошкору ниҳонни билганга шараф.  
Билади-ку охир бобом ким менинг,  
Бахтиёр Фаридун гувоҳим менинг.  
Букун жангга кирсак дея «ўч, қасос»  
Аждод кимлигига бўладир асос.  
Қуёш, ой эгаси номига қасам,  
Жангда ул малъунга рўбарў келсам,  
Киприк қоқишга ҳам улгуролмасдан,  
Лашкари олдида бошсиз қолур тан.  
Падарим ўчини олиб қонхўрдан,  
Остун-устун қилай шоҳлигин бирдан».  
«Дастурхон ёзинг!»— деб қилди фармойиш,  
Келтирилди созу май тўла идиш.

### МАНУЧЕҲРНИНГ ТУР ЛАШҚАРГОҲИГА ҚУҚҚИСДАН ҲУЖУМ ҚИЛГАНИ

Майдан дунё кўзга хиралашган чоқ,  
Кенг далада фақат соқчилар уйғоқ.  
Аскарлар бошига келади Қоран,

Ҳам маслаҳатчи Сарв, ул шоҳи Яман.  
Қўшунлар наздида янграр чақириқ,  
«Эй шоҳ ботирлари, Шерзод, Шерқилиқ,  
Билингким ёвимиз ғаддор Аҳраман,  
Яратувчига у азалий душман.  
Белни маҳкам боғланг ва бедор бўлинг,  
Жаҳон яратганга дилдан ёр бўлинг.  
Кимки бу урушда жонидан ажрар,  
Гуноҳи ювилар, жаннатий маҳшар.  
Чину Рум қўшунга ким келар устун,  
Ерин тортиб олар ёки тўқар хун,  
То абад қолажак музаффар номи,  
Муъбадликка лойиқ иззат-икромии.  
Шоҳдан инъом ўлур унга лойиқ тахт,  
Сардордан совғалар, яратгандан бахт.  
Тонг нури тун бағрин ёриши билан,  
Кун осмон авжига бориши билан,  
Ботирона белга боғлангиз камар,  
Қўлларга олингиз қобулий ханжар.  
Ҳамма аскар бирдек чиқсин жойига,  
Зич турсин тўғрилаб пойин пойига».  
Қўшун бошлиқлари, дадил сарбозлар,  
Қўмондон наздида саф чекиб турар.  
Ва унга дейишар: «Бизлар қулингиз,  
Сени деб тирикмиз — жону дилингиз.  
Қандай фармон этсанг қилурмиз шундай  
Ханжар солиб ерни худди жайхундай!»  
Ўз чодирларига келдилар жўшиб,  
Юракда ўчга ўч тафтини қўшиб.  
Қачон тоғ ортидан чиққан оппоқ нур,  
Қаро тун белини букди баҳузур.  
Манучеҳр турди қўшун қошида,  
Қўлда тиғу пўлат қалпоқ бошида.  
Сипоҳин наъраси узоққа кетар,  
Найзаларин учи булутга етар.  
Қошлари чимрилган, бошда кин-оташ,



Қўшун ерни тутган уфқлар туташ.  
Бари жой-жойида чапу ўнг қанот,  
Лашкар тортиб топган пиёда, фил, от,  
Ер мисоли сувда сузар бир қайиқ,  
Ғарқ бўлмоқда, шитоб этар халойиқ.  
Довулла чалинар, бўкиради фил,  
Жумбушга келганди замин мисли нил.  
Филларнинг олдида ноғора саси  
Жанговар шерларнинг келар ҳаваси.  
Қарнайлар овози сурнайи билан,  
Базмга чорларди гўё дафъатан.  
Икки тоғ учрашди, икки даъвогар,  
Икки ёқдан келди икки зўр аскар.  
Биёбонда оқди қон дарёси тез,  
Ер юзи лолазор бўлганди шу кез.  
Уруш филларининг оёғи бул кун,  
Қип-қизил маржондан ясалган устун.  
Зафар қозонарди ёш Манучеҳр,  
Унга дунё дили лиммо-лим меҳр.  
Қаро шомга қадар уруш авж олди,  
Ярақлаган қуёш кўринмай қолди.  
Замона бир текис қолмайди узоқ,  
Гаҳи асал берса, гаҳ заҳри булоқ.  
Тур билан Салмнинг дилида кўрқув,  
Шабихун қилмоқчи, келмайди уйқу.  
Кеча ўтиб, яна ёриди ўнг-чап,  
Жангга ҳеч ким чиқмас, дилда бошқа гап.  
Яна қуёш чиқиб, кеча бўлди даф,  
Жангга ҳеч ким чиқмас, дилда ўзга гап.

## ТУРНИНГ МАНУЧЕҲР ҚУЛИДАН ЎЛИМ ТОПГАНИ

Ярқироқ кундузнинг ўтганда ярми,  
Ҳар икки хунхорнинг кетганди шарми.  
Маслаҳат қилишди икки биродар,

Икки юзсиз малъун, икки жодугар:  
Тун чўкиши билан қилиб шабехун,  
Саҳрони қизил қон қилайлик бул тун.  
Қаро тун чўқди-ю ёруғлик ниҳон,  
Қоронғилиқ бўлди саросар жаҳон.  
Лашкар тартиб этди икки ярамас,  
Шабехун қилайлик деди икки паст.  
Соқчилар бу ишдан топдилар хабар,  
Манучеҳр томон йўл олди чопар.  
Чопар келиб деди: «Манучеҳр шоҳ,  
Хужум қилиб келар туроний сипоҳ!»  
Манучеҳр тинглаб, бўлмади ҳайрон,  
Чора излаб қолди ҳушёр қўмондон.  
Лашкарни Қоранга бериб, серзарда  
Пистирма жой излаб кетди саркарда.  
Шунқор йиғитлардан олди ўттиз минг,  
Бари қиличбозу, отлари гижинг.  
Пистирма жойини танлади сарвар,  
Йиғитлар баҳодир, мисоли аждар.  
Тун ярмида юз минг аскар пайдарпай,  
Тур бошида чиқди бўлиб жангга шай.  
Шабехун қилмоқни кўзлаб келишар,  
Найзалари учн нақ булут қадар.  
Қўққус келди, қўшун чиқди олдидан,  
Музаффар каёний байроғи билан.  
Жанг қилишдан ўзга топмади чора,  
Сипоҳ бир оҳ тортди жигари пора.  
Суворний гардидан ҳавода тунроқ,  
Пўлатлар ўт сочар мисоли чақмоқ.  
Гўё тушган эди ҳавога олов,  
Олмосдан ер куйган, яшиндан ялов.  
Мияда темирлар шовқин-сурони,  
Булутга етганди олов бўрони.  
Пистирмадан чиқиб шоҳ мисли яшин,  
Турни ўраб олди бўғиб товушин.  
От жиловин буриб қочмоқ учун шай,

Лашкар ичра қўпди шовқин ҳаю ҳай.  
Манучеҳр етди бир ҳамла билан,  
Қасос оловида эди қалбу тан.  
Бонг уриб деди: «Эй, малъун ситамкор,  
Тўхта, энди қасос вақти эй беор.  
Бегуноҳ бошини кесганинг замон,  
Билармидинг охир ўч олур жаҳон».  
Бир найза зарбидан букулди пайкар,  
Учиб ерга тушди қўлидан ханжар.  
Эгаридан узиб олди мисли бод,  
Ерга урди, жонин топширди бедод.  
Бир зарб билан узиб олди бошини,  
Чўл ваҳшийларига ташлаб лошини,  
Лашкаргоҳга қайтди шоҳи музаффар,  
Жанг паст баландидан топганди хабар.  
Ғалаба келтирди адолат азми,  
Тур тани устида дарранда базми.

## МАНУЧЕҲРНИНГ ФАРИДУНГА ЗАФАР МАҚТУБИ ЙЎЛЛАГАНИ

Уруш боришидан бериб маълумот,  
Фаридунга мактуб йўллади шерзот.  
Хатнинг бошланиши дил раббаноси,  
Яхшилик покликдир нури знёси.  
Қулоқ солғувчи у дил фарёдига,  
Огир кунда етар киши додига.  
Дил шодлиги ундан, ўзи раҳнамо  
Абадул-абад ул обод мутлақо.  
Сўнг али Фаридунга етар офарин,  
Тожу, тиг эгаси ундан шод замин.  
«Бор иши яхшилик, адолат, поклик,  
Тожи ҳам, тахти ҳам шоҳлик, бебоклик.  
Ҳамма адлу ростлик сенинг бахтингдан,  
Ҳамма нур, гўзаллик сенинг тахтингдан.  
Турон ерга етдик йўруғинг билан,

Қасос, жанг бошладик буйруғинг билан.  
Икки кунда ёвга тўқнашдик уч бор,  
Ёруғ кунда, қаро кечада бедор.  
Бизлар пистирмада, улар шабехун  
Истади, қасос деб бизлар тўқдик хун.  
Эшитдим, тутибди шабехун йўлин,  
Иложсиз бечора шул афсун йўлин.  
Пистирмадан қуршаб чиқдик худди сел,  
Қўлига кирмади ҳатто қуруқ ел.  
Жангдан юз ўгирди — қоча бошлади,  
Етиб олдим, найзам кўзин ёшлади.  
Совутини йиртиб залворли найзам,  
Эгардан шамолдек кўтариб ўктам,  
Ерга урдим уни гўё аждаҳо,  
Танасидан бошни айладим жудо.  
Ул бошни юбориб сенга, бобожон,  
Салмни қувамен мисоли бўрон.  
Сенга юборганди Эраж бошини,  
Назарга олмайин йигит ёшини.  
На раҳму шафқат бор эди, на ҳаё,  
Унинг ҳам бошига тушди бу бало.  
Шундай зарб урдимки, тандан чиқди жон,  
Энди кишварин ҳам этгумдир вайрон!»  
Шундай сўзлар ёзиб мактубга, номвар  
Шамолдек от ила жўнатди чопар.  
Элчи кетди бошда минг турли хаёл,  
Қандай кутар бу шум хабарни у чол.  
Қандай олиб борар Чин шоҳи бошин,  
Қандай айтар Эрон шоҳи талошнн.  
Диндан қайтган ўғил бўлса ҳам фарзанд,  
Ота куяр, ул ҳам жонига пайванд.  
Гуноҳи чўнг эди афв қилиб бўлмас,  
Еш паҳлавон ундан қасос олди бас.  
Жаҳон бошдан-оёқ қайгу, азобдир,  
Дунёга ким келур бағри кабобдир.  
Фаридун ёнига етушди чопар,

Тур бошини қўйди олдиға ёвар.  
Манучеҳрини айлабон дуо,  
Ҳақиқат бор экан, дер кекса подшо.

## ҚОРАННИНГ АЛОНОН ҚАЛЪАСИНИ ОЛГАНИ

Салм хабар топди жанг-можародан,  
Тўлун ойи сўниб, келган балодан.  
Бир ҳисор бор эди қояда тикка,  
Баланд деворлари етарди кўкка.  
Қалъага беркинмоқ режасин тузди,  
Замона паст-баланд иқбол кўргузди.  
Манучеҳр ўйлар эрди шу замон:  
«Салм тикка жангдан бош тортса ҳамон,  
Алонон қалъасин этади ишғол,  
Йўлини тўсмасак, иш бўлур маҳол.  
Қалъа сув ичида этилмиш барпо,  
Кўринмасди кўзга тағи мутлақо.  
Боши кўкда эди, тамали сувда,  
Жоду билан бўлган турар осуда.  
Ҳар нарса етарлик ғамланган бир жой,  
Унга соя солиб турарди хумой.  
Чора топай деди, мен зудлик билан,  
Узилиб кетса ҳам узанги, юган».  
Чақиртирди, келди Қоран сипоҳдор,  
Унга сўзлаб берди дилида не бор.  
Қоран бу сўзларни тинглаб хайрихоҳ —  
Деди: «Эй яхшилик йўлини тутган шоҳ,  
Агарда хўп десанг жанговор ботир,  
Жангчилардан қўшун тузайин абжир.  
Қалъа йўлини тўсиб чиқайин чаққон,  
Қочиш йўлини этай мен қип-қизил қон.  
Фармон эт, Тур туғи ва нигинини,  
Ўзим билан олай, иш тизгинини.  
Шундай тартиб қилай ажиб бир чора,

Мен ҳам ишлатайин ҳийла бир бора.  
Тун қоронғусида бир иш қилайин,  
Ҳеч кимга лаб очма, ўзим билайин.  
Қаҳрамонларимдан олти минг нафар,  
Олайин, иш кўрган бари жанговар.  
Обнус оғочидек қоронғи кеча,  
Қўшуни олдида филлар бир неча».  
Манучеҳр деди: «Бу яхши ният,  
Яздон ёринг бўлсин, тошгил амният.  
Ҳаммаси паҳлавон жангчи баҳодир,  
Дарёни қуритиб қўйишга қодир».  
Шеруяга бериб қўшунни, деди:—  
«Мен сизлардан қолиб кетмоқчи эдим.  
Мен қалъага борай бир элчи мисол,  
Турнинг узугини кўрсатиб оволь.  
Қўрғонга кирибоқ кўтарай тугин,  
Ярақлатай даста, нилдек кўк тигин.  
Сизлар бориб туринг қалъага яқин,  
Овоз берсам, келинг мисоли чақин.»  
Дарё қирғоғида қолади қўшун,  
Қораи қалъа томон йўл олар беун.  
Ҳисор дарвозаси ёнига келиб,  
Дарвозабонга Тур муҳрин кўрсатиб,  
Дер: «Тур ҳузуридан келдим ёнингга,  
Оро кирмак учун сенинг жонингга.  
Тур деди: «Қалъабон ёнида бўлгил,  
Уйқу-ю оромни унутгил бир йўл.  
Яхши-ю ёмонда унга ёр бўл,  
Қалъага нигоҳбон ва бедор бўл!  
Кўринса Манучеҳр кўтаргин ялов,  
Қаршисига қўшун билан чиқ дарров.  
Сен бутун билиминг, кучинг ишга сол,  
Қўшун сафини пора қилингиз дарҳол!»  
Қораи сўзларини тинглаб қалъабон,  
Тур муҳри-узугин кўргани ҳамон.  
Қалъа эшигини очиб берди ланг,

Гап тагида не бор тушунмай, гаранг.  
Эсла нима деган нақлчи деҳқон:  
«Дил сирин тушунар дили пок инсон».  
Мен, сенга лозимдир бандалик пеша,  
Аммо ақлингни ҳам ишлат ҳаминша.  
Ажабмаски, қора ва оқни кўрсак,  
Қалтабин бўлмасак, узоқни кўрсак.  
Қалъабон Қоранни эшитиб беғам,  
Қалъага киришиб кетишди баҳам,  
Бир ёвуз ният, бири соддадил,  
Сипоҳдор ҳар кимга боғловчи кўнгил.  
Уз меҳрини берди бегона элга,  
Ёлғонга бошини, қалъани элга.  
Жанговар йўлбарс дер боласига боқ:  
«Эй ҳунарга тўлиқ, эй ўткир тирноқ,  
Ҳеч ишга билимсиз тезлик қилмагил,  
Аввал уни бошдан оёғини бил!»  
Бегона сўзлари бўлса ҳамки қанд,  
Уруш кунларида ишонма ҳарчанд.  
Текшир, пистирмадан бўлгил эҳтиёт,  
Қўп ширин бўлса-да, ёт сухани ёт.  
Буни қара, тезлик қилган қалъабон,  
Текшириб кўрмади, ишонди осон.  
Душман найрангини ёд этмади ёд,  
Мустаҳкам қалъани айлади барбод.  
Эрта тонг ёришиб кетиши билан,  
Буржга Тур байроғин тикдирди Қоран.  
Бонг урди Шеруя қўшун сарвари,  
Ишдан хабар топди ва қўшун бари,  
Шеруя каёний байроққа назар  
Ташлаб, ул паҳлавон томон ошиқар.  
Дарвозага ўзни урди, беилож,  
Соқчилар бошига қўяр қонли тож.  
Қоран бир томонда, Шеруя бир ёқ,  
Бир томон темир, ўт, бир ёқ сув, тупроқ.  
Қуёш найза бўйи кўтарилган он,

Кўринмас на қалъа ва на қалъабон.  
Осмондан кўринган дуд бўлди фақат,  
Ёлғиз кемаси ҳам чўккан бешафқат.  
Чақиндек ярақлар ўт-оташ якка,  
Қишилар фарёди етар фалакка.  
Кўкни кезиб бота бошлади офтоб.  
Ҳаммаёқда қирғин, ҳаммаёқ хароб.  
Ун икки минг одам уёқдан ўлган,  
Жаҳон дуду чангдан тимқаро бўлган.  
Дарё суви бўлди мисли қаро мой,  
Қуруқликда қонга беланмиш ҳар жой.

### ЗАҲҲОК НАБИРАСИ ҚОКУЙ ҲУЖУМИ

Галаба қозониб, Қоран жанговар,  
Манучеҳр шоҳга етди музаффар.  
Сўзлаб берди ишлар нечук кечганин,  
Жанг нечук, ёв нечук зоққум ичганин.  
Манучеҳр унга ўқиб офарин,  
Дер: «Сабил қолмасин гурзи, от, замин.  
Сен кетишинг билан келди янги ёв,  
Сипоҳ босиб келди мисоли олов.  
Заҳҳок набираси Кокуй эди у,  
Нопок набираси бадҳўй эди у.  
Ҳужум қилди юз минг қўшуни билан,  
Ҳаммаси чавандоз мағрур, кенг гардан.  
Ҳалок бўлди биздан неча баҳодир,  
Жанговар шер белин букишга қодир.  
Салм жангга кириб келгач аввало,  
Хухтганг қалъасидан чиқди бу бало.  
Уни дер эдилар жангда дев юрак,  
Дили қўрқув билмас, зўравон билак.  
Ҳали келганим йўқ унга юзма-юз,  
Гурзим ила синаб кўрмадим ҳануз.  
Яна босиб келса чиқай рўбарў,



Жангда синаб кўрай, қандай экан у».   
Қоран унга деди: «Аё шахриёр,   
Жанг бошласанг, сенга тенг келар ким бор?!   
Агар сенга қарши чиқса шер-паланг,   
Пўсти шилинажак уруш бошласанг.   
Кокуй деган нима, Кокуйи ким, а?!   
Жанг чоғида сенга тенг келар нима?!   
Мен букун ишлатиб ақлим ва ҳушим,   
Чорасин қилайин, кўрсатиб ишим.   
Бундан сўнг Кокуйми, бошқами Хухтанг,   
Қалъадан чиқмасин биз-ла истаб жанг».   
Сўзга аралашиб Манучеҳр шоҳ,   
Деди: «Бунн ўйлаб дилдан тортма оҳ.   
Янгигина қайтиб келдинг юришдан,   
Кўп қийналиб, чарчаб қийин урушдан.   
Жанг навбати энди менга етишди,   
Эй баҳодир, дам ол, дил куйиб пишди».   
Шуни деган чоғи карнай овози,   
Дунёни бузгудек янграр жанг сози.   
Довуллар шовқини, қўшунлар гарди,   
Жаҳонни қопқаро дўзах этарди.   
Гўё қилич, гурзи тилга кирганди,   
Жон пайдо бўлганди, дилга кирганди.   
Дунё қарға қанот бўлди қатма-қат,   
Уқлар учар эди думларида пат.   
Дубулға, ханжардан қон томар эди,   
Тиф тутган панжадан қон томар эди.   
Гўёким, ер юзи мавж урмоқдайди,   
Ер юзин тўлқини авж урмоқдайди.   
Аскарбоши Кокуй бўкириб шул он.   
Жангга кириб келди нақ деви гаррон.   
Манучеҳр чиқди сафдан илгари,   
Қўлда ҳинду қилич, арслон сингари.   
Иккови учрашиб наъра тортган чоғ,   
Сафлар жим, ларзага келди азим тоғ.   
Гўёки тўқнашди икки жангчи фил,

Жангга бели боғлиқ, адоватда дил.  
Шоҳ белига Кокуй найзаси етди,  
Бошдаги дубулға қимирлаб кетди.  
Белбоғи ёнидан йиртилиб совут,  
Танаси кўринди, бу солиб човут,  
Кокуй гарданига солганди найза,  
Танада совути сўкилди тоза.  
Осмоннинг авжига етгунча қуёш,  
Шундай жанг қилишди ҳар иккала ёш.  
Иккови мисоли жанговар қоплон,  
Олишар тупроқни этиб қаро қон.  
Қуёш туп қўйнига киришга шошди,  
Ғанимлар қаҳри ҳам ҳаддидан ошди.  
Сиқиб юборгандек жанг подшо дилин,  
От жilовин қўйиб, узатиб қўлин,  
Кокуй белбоғидан сиқиб ушлади,  
Филдек танин олиб ерга ташлади.  
Тупроқдан ўзини ўнгламасданоқ,  
Қилич билан этди синасини чок.  
Шу йўсин жон берди арабдан чиққан,  
Бетоль фурсатда онаси туққан.

### САЛМНИНГ ҚОЧГАНИ ВА МАНУЧЕҲР ҚУЛИДАН УЛИМ ТОПГАНИ

Кокуй ўлимидан бўлдику огоҳ,  
Руҳи синиқ, сўлиб қолди Салм шоҳ.  
Бошдан ҳуши учди, ҳатто адовот —  
Қолмай, ҳисор томон қўйиб кетди от.  
Дарё қирғоғига етганда аранг,  
Бир кема кўринмас ҳоли яна танг.  
Манучеҳр подшо қўшуни етиб,  
Ҳар ёқни ўрайди йўлин беркитиб.  
Дашту йўл, ҳар томон ўликлар тирбанд,  
Отлиқ, пиёдага ҳамма йўллар банд.  
Ёш сипоҳдор дили тўлиқ қаҳр-ғазаб,

Шамолдек тез отга минади сакраб.  
От совутин ечиб учиб кетади,  
Уликлар устидан кўчиб кетади.  
Рум шоҳига бориб етади яқин,  
Наъра тортиб келар мисоли чақин:  
«Эй шум қадам, тўкдинг уканг қонини,  
Тожу тахт деб олдинг ширин жонини,  
Бу кун олиб келдим сенга янги тахт,  
Янги мева берди шоҳона дарахт.  
Улуғлик тожидан қочма бул кунн,  
Фаридун тахт берар, қабул эт шуни,  
Масал бор: «Ҳар киши экканин ўрар»,  
Ўзинг эккан дарахт мева келтирар.  
Агар у тикандир эккансан ўзинг,  
Шоҳи бўлса тўқиб кетгансан ўзинг.  
Сўз ораси отин сурди илгари,  
Яқин етиб борди чақин сингари,  
Гарданига қилич солди дафъатан,  
Икки нимта бўлди ул шоҳона тан.  
Деди: «Бошин узиб, танасин янчиб,  
Кўтариб боришсин пайзага санчиб.  
Лашкар ҳайрон қолди унинг зўрига,  
Билак қудратига, юрак қўрига.  
Салм аскарлари пода сингари,  
Бир дамда тарқалиб кетишди бари.  
Гуруҳ-гуруҳ борар йўлсиз чўлларда,  
Ким тоғ дарасида, ким танг йўлларда.  
Бир доно бор эди, фикри покиза,  
Сўзга чечан, тили шириндир жуда.  
Мағлуб аскарларнинг дили бўлди у,  
Ғолиб шоҳга сўзлар тили бўлди у.  
Деди: «Биз ҳаммамиз сенга бандамиз,  
Амрингга мунтазир турган бандда биз.  
Бировларнинг иши ер эсмоқ эди,  
Бошқалариники мол боқмоқ эди.  
Уруш эмас эди буларнинг иши,

Барин бунда сурди шоҳ фармойиши.  
Сипоҳ бўлиб келдик, бу жанггоҳга биз,  
Адоват қидирмас асло дилимиз.  
Букун ҳар биримиз шоҳнинг қулимиз,  
Амрингга бош эгиб, жўшар дилимиз.  
Агар қонимизни тўкмак истасанг,  
Қувватимиз етмас, қилолмасмиз жанг.  
Бошимизни эгиб турибмиз, эй шоҳ,  
Барчамизни сўйдир, йўқ бизда гуноҳ.  
Нима қилсанг бизни сенда ихтиёр,  
Жонимизни сенга тутдик, шаҳриёр».  
Хушёр киши шундай тугатди сўзин,  
Шоҳ тинглар хаёлдан тиёлмай ўзин.  
Унга дер: «Қасос деб унгагай комим,  
Яхшилик-ла қолсин дунёда номим.  
Ҳар не иш чиқмишдир яздон йўлидан,  
Мукофот оладир девлар қўлидан.  
Бари бўлсин абад менадан йироқроқ,  
Ахриман дев жонин ўртасин қийноқ.  
Сиз менинг душманам, дилозоримсиз,  
Ё мени дўст тутган, яқин ёримсиз.  
Менга зафар инъом этди бу фалак,  
Гуноҳкор ҳам букун бегуноҳ демак.  
Адолат енгган кун, ўтди бедодлик,  
Ўлим кутган бошга етди озодлик.  
Барчангиз меҳр ила кўзни ёшлангиз,  
Уруш аслаҳасин ечиб ташлангиз.  
Ақлли бўлингиз, покиза юрак,  
Офатдан озоду ёвликдан бўлак.  
Жойингизни айланг обод гулистон,  
Хоҳи Рум бўлсин у, хоҳ Чин, хоҳ Турон.  
Доимо бўлингиз бахтли хушқадам,  
Дўстлик ва тинчликда яшангиз ҳамдам».  
Офарин дейишди ҳамма баробар,  
Шоҳни дуо қилар саркару навкар.  
Подшо чодиридан янграган овоз

Дер: «Эй баҳодирлар, голиб, сарафроз,  
Энди қаҳр бирла қон тўкманг асло,  
Жафокорлар бахти бўлдику қаро!»  
Шундан кейин бутун Чин жангчиларни,  
Ерга бош қўйдилар бўйин эгиб бари.  
Қурол-аслаҳани йиғиб жойига,  
Ташладилар Пашанг ўгли пойига.  
Гуруҳ-гуруҳ ташлар қурол ва яроғ,  
Аслаҳадан ўсиб чиқди баланд тоғ.  
Бунда от совути, дубулға қалқон,  
Гурзи-ю найза бор каманду камон.  
Аскарларга парво кўрсатади шоҳ,  
Ҳар кимга яраша мукофоту жоҳ.

### САЛМ БОШИНИНГ ФАРИДУНГА ЮБОРИЛГАНИ

Элчи тайинланди, Манучеҳр шоҳ  
Салм бошин унга топширди додхоҳ.  
Бир мактуб ҳам ёзди, унда бешафқат  
Жанг даҳшатларидан қилар ҳикоят.  
Аввал яратганга деди офарин,  
Сўнг тилга олди ул Фаридун номин.  
Дерди: «Музаффар шоҳ, сенга офарин,  
Ғалаба калити сенда ёширин.  
Барча яхши-ёмон фармонинг билан,  
Барча дард тузалар дармонинг билан.  
Замини подшоҳи ақлли ҳушёр,  
Меҳрини ёғдирсин ул парвардигор.  
Ҳар қандай тугунни ечасан ўзинг,  
Ҳақ яздон йўлини кўрадир кўзинг.  
Чин чавандозидан ўчимиз олдик,  
Пистирмадан чиқиб жонга чанг солдик.  
Кучинг билан етдик икки бедодга,  
Бобом қонин тўккан икки жаллодга.  
Икковин бошини узгунча қувдик.

Шамширимиз ила ер юзин ювдик.  
Бу номам кетидан етармен ўзим,  
Яна қолган гапни айтар дил сўзим».  
Шеруйни қалъага юборди подшо,  
Дунё кўрган ботир, ақлли доно.  
«Унда не бор ўтказ назардан бир-бир,  
Керагин ол, деди қолганин қолдир.  
Қудратли филларга юклатиб шахсан,  
Подшо даргоҳига олиб борарсан.  
Ноғора, карнайни чиқазинг, деди,  
Яловбардорга туғ тутқазинг, деди.  
Сипоҳни дарёдан ўтказди чўлга  
Чиндиждан Фаридун юртига йўлга.  
Таммишга етгани замони бобо,  
Кутиб чиққанини кўрарди подшо.  
Карнайлар овози бузди дунёни,  
Лашкар ҳам жумбушга келди шул онн.  
Фил устига қўйган эди фируз тахт,  
Тахт узра ўлтирар подшо ғолиб бахт.  
Тахт безаги олий Чин ипаклари,  
Яна гавҳару дур, зар безаклари.  
Байроқлар ҳилпирар анвойн байроқ,  
Сариқ, кўк, гунафша, қизил ҳаммаёқ.  
Гелон дарёсидан мисоли булут,  
Сори томон қўшун келар бари бут.  
Юганлари олтин, камари олтин,  
Узангисн кумуш, сипари олтин.  
Қанча бойлик, совға ортилган филлар,  
Ясатилиб шоҳи тортилган филлар.  
Шоҳу сипоҳ яқин келиши билан,  
Фаридун ҳам сакраб тушар отидан.  
Гилон ботирлари нақ қутурган шер,  
Маржонлари олтин, мушкни мўйлаб эр.  
Шоҳ ортидан келар эронийлар боқ,  
Ҳар бири урушқоқ, бари шерсиёқ.  
Саф-саф ўтишади жангчи шеру фил,

Уларнинг кетида аскарлар дадил.  
Фаридун байроғи бўлди намоён,  
Қўшунлар сафига тўлди биёбон,  
Отидан тушади навқирон сардор,  
Ёш дарахт-ку, аммо кўп меваси бор.  
Ер ўпиб офарин деди некбахтга,  
Унга бахт келтирган каёний тахтга.  
Саройига етиб келган замони,  
Сомга хабар берди — келсин шул они.  
Ҳиндустондан янги қайтган эди Сом,  
Сеҳргарга қарши кураш интиқом.  
Шоҳ жаҳон наздига етиб келиб Сом,  
Ёшу кекса шоҳга этади салом.  
Уни кўриш билан кекса шаҳриёр,  
Ёнидан жой берди, ўлтирди номдор.  
Деди, набирамни сенга топширай,  
Энди ишим битди, энди мен борай.  
Энди сен ҳар ишда мададкори бўл,  
Ҳунарларинг ўргат, доим ёри бўл.  
Манучеҳр қўлин олиб Фаридун,  
Сом қўлига тутар, юзларни гулгун.  
Сўнг кўкка юз тутиб қилар илтижо,  
«Эй адолатли шоҳ, эй одил худо,  
Энди кўзларимга бу кенг дунё танг,  
Энди чидолмасман умримни чўзсанг».  
Сипоҳдор, Шеруя келади етиб,  
Ўлжаларни туя, филларга ортиб.  
Ўлжани лашкарга бўлди Фаридун,  
Меҳр ойдан қолган эди икки кун.  
Амр этди тахтига чиқсин Манучеҳр,  
Олтин тахт, фируз тож, бобосидан меҳр.  
Бобо ўз қўли-ла кийдиради тож,  
Панду насиҳат-ла тилайди ривож.

---

## МУНДАРИЖА

Шоислом Шомухамедов. Халқ даҳосининг улуғ қомуси . . . . .	3
«Алпомиш» ( парча ) . . . . .	33
Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг» ( парча ) . . . . .	17
Фирдавсий. «Шоҳнома» ( парча ) Ш. Шомухамедов таржимаси	51

Для детей старшего школьного возраста

На узбекском языке

### ЭПОС

### Сборник

Тақризчи — филология фанлари доктори, профессор  
Неъматулло Иброҳимов

Редактор Шавнат Туроб, Рассом Х. Лутфуллаев. Расмлар редактори  
Ҳ. Раҳматуллаев. Техн. редактор У. Ким. Корректор С. Сайдолимов.

НБ № 2064

Босмахонага берилди 27.03.87. Босишга рухсат этилди 2.07.87.  
Р 03102. Формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. 1-босма қозғага «Литературная»  
гарнитурда юқори босма усулида босилди. Босма листи 3,0. Шарт-  
ли босма листи 4,2. Нашр листи 4,55. Шартли кр.отт. 4,55.  
Тиражи 15000. Буюртма 874. Шартнома № 23—87. Баҳоси 20 т.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети «Еш гвардия»  
нашриёти, Тошкент, м. Чилонзор 8 квартал. «Правда» газетаси  
кўчаси, 60.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил  
Байроқ ордени босмахонаси. Ленин кўчаси, 41.